

Адҳамбек Алимбеков

Сўз чамани ичра наво кўргузиб
(Таниқли шоир Саъдулла Ҳаким адабий портретига
чизгилар)

Тошкент-2021

Ушбу рисолада таниқли шоир Саъдулла Ҳакимнинг ижодий йўли ҳақида сўз юритилади. Рисолада шоирнинг шеърлари таҳлил қилиниб, ижодкор бадий маҳорати, асарларидаги ўзига хослик инжалик билан кўрсатилган. Китоб Саъдулла Ҳакимнинг адабий портретини яратишдаги илк тадқиқот бўлгани билан ҳам ўқувчилар диққатини тортиши шубҳасиз.

Кириш

Ҳазрат Алишер Навоийнинг куйидаги: “ То топибон хуш такаллум тузай, Сўз чамани ичра наво кўргузай” мисраларида ҳар бир шоирнинг орзуси мужассам бўлса керак. Сўз чамани ичра наво кўргузмоқ кўлига қалам тутган ижодкорнинг нурли ниятидир. Ҳар ким Худо берган иқтидоридан келиб чиқиб “наво кўргузар” экан, бу наво халқининг кўнглига етиб боришини, дилидан жой олишини истайди. Бунинг учун тинимсиз изланишлар, уйқусиз кечаларда сўз куйида ёниш, эл дардини ўз дарди деб билиш керак. Менинг назаримда Саъдулла Ҳаким ана шундай йўл тутган ижодкорлардан. Халқда табиати гўзал юртдан рассомлар , шоирлар кўпроқ чиқади деган гап бор. Саъдулла Ҳаким ижоди ҳақида ўйлагимда шу гап эсимга келаверади. Сўлим Форишнинг Гараша гўшасида 1951 йилнинг 25 март, ҳамалнинг тўртинчи куни туғилиб, тоғ бағрида улғайган Саъдулланинг ёшлигиданоқ шеър оҳанглари тоғдан келадиган тоза ҳаводан, сойлардан эшитиладиган шовурлардан қулоғида қолиб қалбига сингигандир. “Адрлар сарпоси кўкалам” бўлган майсали Гарашанинг ифорида сурурлангандир. Ҳар бир жойни ўзига хос жиҳатлари бор. Юртимизда Форишнинг ҳам узумини, магизини донгғи етмаган жой йўқ. Ўзига хос табиати, маҳаллий урф-одатлари бўлган бир сўлим маскан Фориш. Тоғларининг салобати, дарёларининг шиддати элга юқиши табиий. Халқ дардини ўйлаган ойдинлар, миллат озодлиги учун курашган ботирларни етиштирган маскан бу.

Саъдулла Ҳакимнинг илк шеърый китоби - “Ҳамал тонглари” 1981 йили Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти томонидан чоп этилган. Ҳамал Шарқда йилбоши ойи. Тонг куннинг бошланишидан нишона бўлганидек “Ҳамал тонглари” тўплами Саъдулла Ҳакимнинг шоир сифатида йўлга чиқиши, ижодининг ҳамали эди. Тўпландаги биринчи шеър “Йўлдаги туйғулар” шоирнинг умр йўли доимо туйғуларга сероб бўлишига истакдек янграйди. Мана шу шеърда шоир ўзининг келажagini белгилаб, қишлоқ шавқини қалбида асраб, юртга фарзандлик ҳиссини ардоқлаб яшашга бел боғлагани кўринади. “Саъдулла Ҳаким шеърятимизга ўз оҳанги, ўз овози, адабий одоби билан кириб келган яхши шоиримиздир”- дея ёзганди устоз Абдулла Орипов. Дарҳақиқат шундай.

Саъдулла Ҳаким ижоди ҳақида Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, халқ шоири Жуманиёз Жабборов, халқ шоири Махмуд Тоир, Ўткир Раҳмат, Уйғун Рўзиев, Абдунаби Бойқўзиев, Ойгул Суюндикова, Фароғат Худойқулова каби элимизнинг таниқли шоир ва ёзувчилари, Иброҳим Ғафуров, Қозоқбой Йўлдош, Нажмиддин Комилов, Сайди

Умиров, Аҳмад Отабой, Тўлқин Эшбек, Абдурасул Жумақулов, Холмўмин Ёдгоров, Холмурод Салимов, Дилмурод Холдоров ва бошқа олимлар мақолалар ёзганлар. Бу мақолаларда Саъдулла Ҳаким шеърини ҳар кимнинг имкони қадар таҳлил қилинган. Фикрларда, келтирилган мисолларда ўхшашликлар ҳам бор ва бу табиий. Яхши шеърни бир неча олим турлича талқин ва таҳлил қилиши мумкин. Лекин дostonлари (“Бола Ботир”ни мустасно қилганда) деярли таҳлил қилинмаган. Барча мақолаларда Саъдулла Ҳакимнинг шоир сифатидаги иқтидорига тўғри урғу берилган. Аммо Саъдулла Ҳаким ижоди шу кунга қадар монографик тарзда, яхлит ўрганилган эмас. Ушбу рисола шоирнинг адабий портретини яратиш йўлидаги биринчи адабий рисоладир. Саъдулла Ҳаким ижоди ҳақида келгусида янада кенгрок илмий тадқиқотлар олиб борилиши шубҳасиз. Шоир ижодига умумий назар солинган илк ишимизда Саъдулла Ҳаким ижодини тўлиқ қамраб олдик, ҳар бир шеърини таҳлил қилдик дея олмаймиз. Бошқа олимлар томонидан таҳлилга тортилган айрим шеърлар, тўртликларни такрорламасликка интилдик. Айни пайтда бир шеърнинг бир неча таҳлили бўлишини ҳам унитмадик. Умуман Саъдулла Ҳакимнинг ижодкор сифатидаги қиёфасини – адабий портретини яратишга ҳаракат қилдик.

Эл дардини ёзмаган қалам қалам эмас

Адабиётда абадий мавзулар бўлади. Бу аввало ватан мавзусидир. Худо иқтидорли қилиб яратган шоирнинг кўнглига юрт меҳрини, халқ хурматини бошқалардан мўлроқ қилиб берадими, чин шоирлар доимо юрт дарди билан яшаганлар. Жаҳон адабиётини кузатсак, буюк шоирларнинг деярли барчаси ватанпарвар бўлганини кўрамиз. Ўзбек адабиёти тарихида ҳам бунга истаганча мисоллар топилади. Алишер Навоийдан Чўлпонгача, Абдулла Қодирийдан Абдулла Орифгача юрт ишқида ёнмадиларми?

Ватан ҳақида шунчаки ёзиб бўлмайди. Шиорона сўзларни китобхон дарров илғайди. Ватан ҳақида ёзганда шоирнинг самимияти, юртга муҳаббати ҳар бир сатридагина эмас, сўзларда ҳам балқиб туриши керак. Муаллифнинг юрагидан тўкилиши даркор. Мана шундай ёзилган сатрлар ўқувчининг қалбига қуйилади.

Саъдулла Ҳаким ижодида ҳам шундай шеърларни, бўлиқ мисраларни кўплаб топиш мумкин. “Юрт қадрига етмаганни чакмоқ урсин”. Фольклорда қарғиш ҳам бир жанр. Халқ ҳеч нарсани бекорга айтмайди. Мана шу бир мисрадаёқ шоирнинг юрт қадрига етмаганларга муносабати яққол кўриниб турибди. “Гарашаликлар қўшиғида” шоир мана шундай халқона йўл билан юртга, онага, инсон қадрига бўлган туйғуларини ифодалайди. Лоқайд, бефарво одамларга “Баҳор келди, қани сени турналаринг”, доим мана шундай юрсанг “Дўши талаб бошгинангни чакмоқ урсин” дея халқнинг фикрини акс этдиргандек бўлади.

Шоир “Умрим мазмуни” шеърида шундай ёзади:

Ватаним – нур ўпган муқаддас кенглик,

Кенгликсиз яшолмасман.

Шодлигим – илм ва меҳнатда тенглик,

Тенгликсиз яшолмасман.

Қудратим – тошда гул ундирган элим,

Элимсиз яшолмасман.

Элини ўз қудратининг манбаи деб уққан шоир, ватанини нур ўпган кенглик деб биларкан шуларсиз ҳаёт ҳаёт эмаслигини ҳис қилади:

Бир қўшиқ бор – қўшиқларнинг сараси,

Шу қўшиқни айтмоқчиман,

Қалбим шунга ундайди.

Юрт мадҳидан бошланиб у,

Юрт мадҳида тугайди.

Инсон кўнглида меҳр бўлмаса бирор нимага ундов ҳам бўлмайди. Шоир учун қўшиқларнинг сараси ватан ҳақидаги қўшиқлардир. “Ўзбекистон”, “Миллат чироғи”, “Ватандан яралган”, “Буюк мартаба” каби шеърларида шоир ватанга бўлган меҳрини юракдан эмраниб тасвирлайди. “Айт десанг, айтай минг мартаба, Ватандан йўқ буюк мартаба!”. Саъдулла Ҳакимнинг ватан мавзусидаги шеърларида ватан ҳақида ёзишнинг ўзи шоирга буюк мартабалиги равшан сезилиб туради.

“Муолажа” шеърида:

Ватан ишқида агар

Ҳар юрак истар даво,

Темурий шижоату,

Бобурий соғинч раво.

“Туғилган кун” шеърида ватан тушунчасини англаганини, элга меҳрни қалбида сезган кунини туғилган кун деб билади. Бу юртга муҳаббатини янгича ифодалашдир:

Эй, гулқучоқ юртим – бахтимга боғбон,

Сенга номеҳрнинг юраги хундир.

Сени жондан севиб қолгандим қачон,

Ўша кун мен учун туғилган кундир!

Саъдулла Ҳаким қуйидаги сўзларида унинг ватан ҳақидаги тушунчаси янада ёрқин акс этган: “Олам тўрт унсурдан иборат: тупроқ, сув, ҳаво, олов. Одам тўрт унтундан барҳаёт: ота, она, Ватан, эл. Жўмардлик отадан, ғамғузорлик онадан, бойлик Ватандан, инсонийлик элдан. Маънавий камолот иморати шу тўрт устун устида. Улардан бирортаси номукамал бўлса – қалб шикаста, шуур хаста” (Кудукдан тўкилган нур. “Ёз оқшоми”. Чўлпон

нашриёти. Тошкент 1997). Ҳақиқатан ҳам қайси бир ватангадонинг бахтли бўлганини кўргансиз. Зоҳиран тўқисликда, тўқ яшагандир, аммо кўнглида армон куши доимо чуғурлаб турган.

Шоир ватан, миллат ҳақида ёзаркан унинг ўзига хос жиҳатларини акс этдиришга ҳаракат қилади. “Ўзбеклар” шеъридаги халқимизга хос бўлган характерли томонларини айтишини кўринг:

Ўзи емай қавмига

Едирувчи халқдир бу.

Ўзи юпун қолса-да

Кийдирувчи халқдир бу.

Ёки:

Барчага тенг уфургай гул иси,

Битта нони бўлса, ўзбек улуси

Етти кўча билан егай бўлишиб.

Шоирнинг ватан мавзусидаги шеърларини даврий жиҳатдан иккига бўлиш мумкин. Биринчиси Мустақилликкача ёзилганлари, иккинчиси Истиқлол даврида ёзилганлари. Саъдулла Ҳакимнинг юрт мавзусидаги шеърлари қачон ёзилганидан қатъи назар ватанга меҳр, садоқат сезилиб туради. Бу мавзудаги шеърларни бирлаштирувчи ғоя самимий, ғаразсиз ватанпарварликдир. “Имтиқлол қасидаси”, “Янги замон шукуҳи”, “Ўзбекистон туғроси”, “Ватан фаҳри”, “Эҳтиром” ва бошқа шу руҳдаги шеърларида ватан шанини юқори пардаларда куйлайди. Истиқлолга бағишлаб ёзилган шеърларда миллий ифтихор, ҳурлик, озодлик кадрига етиш, фахр баралла жаранглайди.

“Ватанга мансублик” шеъридаги қуйидаги мисралар чиройли қиёсларда ватанга бўлган муносабатни кўрсатади:

Баногоҳ чўққидан

куласа бир тош

Тоғ пойига тушар

тоғни тарк этмас.

Эт билан тирнокдек

бир жону бир тан

Ватандан яралган

ватандан кетмас.

Бу сўзлар худди тўкин ҳаёт истаб ватанни тарк этган ватанфурушларга айтилаётгандек туюлади. Бутун дунёда Тожли вирус пандемияси ёпирилганда, ватанни так этганлар қайтпти. Бошига бало ёпишганда тўкин ҳаёт истаб кетганларнинг бошини биров силаяптими?. Нима бўлса ҳам ватанда бўлай дея уйига интиляпти. Инсоннинг бошига кулфат тушганда билинади дўстнинг, ватаннинг қадри.

Шоир ота юрти табиат томонидан ҳам сийланганини, ҳамма нарса мўл –кўл берилганини тақдир “Эҳтиром”и деб билади:

Табиат сууб уни куёшли осмон берган,

Дехқоним деб элига тўкин дастурхон берган,

Пилласини доналаб, пахтасини эгатлаб,

Мевасини саралаб, тиллосини кон берган.

Саъдулла Ҳаким юртимизнинг машҳур спротчиларидан бирига бағишланган “Муҳаммад Қодир” шеърида ҳам, юрт ўғлонини ватан тимсоли сифатида тасвирлайди:

Ўйласанг агар

Дунё ҳам бир ринг.

Хур Ўзбекистон

Курашар , кўринг.

Бунда шоир шахсийни ижтимоийга айлантиради. Якка инсон – спортчимизнинг ғалабаси ватаннинг ғалабасилигини уқтиради ва бундан хузурланади. “Ўзбек кураши” шеърида:

О, Ўзбегим кураши

Олам аро намоён.

Ўзбек лафзида бирдай

“Ҳалол!”, дер рўйи жаҳон.

Дунёга ҳалоликни ўргатаётган, тарғиб қилаётган ўзбеклигингиздан фархланиб кетасиз. Мард юрт ўғлонлари – спортчиларимиз туфайли ўзбек сўзлари жаҳон лексиконига айлаганидан қувонасиз.

Саъдулла Ҳакимнинг Мустақиллик даврида ёзган ватан мавзусидаги шеърларида, халқимиз эришаётган ютуқлардан қувониш, юртнинг раванк топиб бораётганидан фахрланиш туйғуси устивор десак адашмаймиз. “Оқсарой” қасидасида:

...Тошкентнинг қоқ ўртасида Оқсарой,

Кундуз куёш кўниб ўтар, тунда ой!

Бадий тасвир орқали пойтахтда қурилган бинолар мухташамлигини кўрсатиш. Шоир ватанпарварликни қандай тушунади? У “Юрак зарблари” катраларида шундай ёзади: “Ватанпарварликни биз фавқулудда ҳолатларда қилинган ҳаракат, жасорат каби қабул қилишга ўрганиб қолганмиз. Аслида ватанпарварлик ҳар куни, ҳар лаҳза, ҳар бир қадамда рўй беради. Мен ватанни севаман, дея хўжакўрсинга кўкрагига урувчилардан кўра йўлда кўндаланг ётган тошни олиб кўйган одам ватанпарварроқ эмасми?”. Шоир сифатида эл дардини ўйлаган Саъдулла Ҳаким бундай фикрларини шеърларигада кўчиради:

Эл дардича ўзга ғам

эр йигитга ғам эмас,

Эл дардини ёзмаган

қалам ҳам қалам эмас. (“Она халқим”)

Яна:

Қалбида эл дардидан зарра оғриқ бўлмаса

Сувланмаган пўлатдек мўртдир шоир сатри ҳам.

(“Синфдош дўстимга”)

Шоир тарихимизда ўтган буюк сиймоларнинг ишини яхши маънода умумийга айлантиради. Шеърда номи зикр этилмасда ким ҳақида гап кетаётганини билиб турсиз. Ал-Хоразмийнинг кашфиёти математика фанини янги поғонага кўтарганини, унинг кашфиёти миллатнинг дунёга “милйўн-милйўн”и сифатида тасвирланади:

У кашф этгач санокда ўнлик,
Дунё бўлди милйўн-милйўнлик.
Олам аҳли қилсин деб тўнлик,
Ҳар куз пахта теради ўзбек.

(“Ўзбек”)

“Олам аҳли бўлсин деб тўнлик” дея ўқилса янада гўзал чиқадиган бу шеърда миллатнинг жаҳонга берган маънавий ва моддий неъматлари айтилаётир.

Аммо халқимиз бошидан не-не кулфатларни ўтказмади. Кечмишимизда қандай қаро кунларни кўрмади. Буни ёзганда шоирнинг сўзига олов чирмашгандай ҳар сўзи титраб кетади:

Кечмишинг сўйлай десам,
қуйгай бағир, сингай қалам.
Ҳар каломга чирмашур ўт,
ҳар сўзим титроғи бор.

(“Ўзбекистоним менинг”)

Саъдулла Ҳаким дунё кезган шоир. Унинг “Хитой”, “Лондон таассуротлари” туркумида буни сезамиз. Муҳими шоир қаерга бормасин ўзбеклигини унитмайди. Кўрган билганларини Ўзбекистон билан таққослайди.

Суйсам наво

Куйсам – нолам

Жон Ватаним,

Жон ва таним – Ўзбекистон

Шоирнинг “Замонда замон янги”, “Истиқлол қасидаси”, “Ўзбекистон туғроси”, “Фахрия”, “янги замон шукуҳи”, “Мансублик” каби шеърларида илтиқлол шукуҳи куйланади.

Саъдулла Ҳакимнинг ватан мавзусидаги шеърларида юрт дардини айтиш ҳам бор. Орол денгизи муаммоси эндиликда фақат Ўзбекистоннинг эмас дунё миқёсидаги экологик муаммо бўлиб турибди. Бу дард ватанпарвар сифатида Саъдулла акани ҳам кўксини куйдиради:

Орол менинг кўксимда ётар,

Тўлғанаман, тўлгим келади.

Тушларимда соғинч уйғотар,

Қорақалпоқ бўлгим келади.

Мўйноқ ёқда қора уй куриб,

Яшаш қандай – билгим келади.

Қорақалпоқ ёнида туриб,

Қорақалпоқ бўлгим келади.

(“Орол дарди”)

Шоир ҳар хил чақириқлар, шиорона сўзлар билан эмас, самимий тарзда кўнглидагини тўкиб соляпти. Орол дардини чуқурроқ ҳис қилиб, қорақалпоқ халқига ҳамдардлигини “Қорақалпоқ бўлгим келяпти” мисрасида жуда тиник ифодалаган. Ҳамфикрликни айтишнинг энг гўзал намунаси.

Бугунги кунда бутун дунё Каронавирус (Тожли вирус) балосидан азият чекаётир. Бу бало юртимизни ҳам четлаб ўтмади. Шоир эл бошига дард келганда шеъри билан халқ дардига малҳам бўлишни истаб бу мавзуда шеърлар ёзди. Зотан адабиётнинг биринчи вазифаси ҳам миллат дардига дармон бўлиш, халқнинг руҳиятини кўтаришидадир.

Зулмат қочганидай кун ёруғидан,

Элдан дард кетгуси бирлашса улус.

Асрасин ёмонлар ёмонлигидан,

Меҳру оқибатга тушмасин вирус!

(“Коронавирус”)

Шоир бу ҳолатдан ҳам ўзича хулосага келади, асосийси одамлардаги меҳр оқибатнинг йўқолмаслиги. Воқеаларга ҳозиржавоблик билан юрт юкини энгил қилишга интилиш шоирнинг маслаги.

Асқад Мухтор “Шеър одамнинг яшаши учун, кураши, улғайиши учун зарур”лигини таъкидлаб шундай ёзганди: “Ҳар бир ҳалол қалбнинг тубида эмоционал бойлик бор. Шоир ана шу ҳислар туғенини уйғотади, холос. Қалб ғафлатда қолса, яъни одам поэзиядан маҳрум бўлса – бу даҳшат эмасми?! Ҳаётда поэзия нақадар мўл бўлса, унда фойдасиз бўшлиқ шунча кам бўлади. Поэзия манбаи битмас- туганмасдир. Ўзи ҳазм қилолмаган қалби пўк кишигина рад этади” (Шеър –шоир виждони. “Мумтоз сўз”. Тошкент -2011. 5-бет). Устоз Асқад Мухтор айтганидек Саъдулла аканинг ватан мавзусидаги шеърлари юртпарварлик “туғенини уйотади”.

Хулоса қилиб айтсак Саъдулла Ҳакимнинг ватанпарварлик руҳидаги, мавзусидаги шеърлари ўқувчиларга шеърий завққина бериб қолмай, кўнглида ватанга бўлган муҳаббатни янада орттирадиган, миллатсеварлик ҳисларини уйғотадиган “Фойдасиз бўшлиқ”ни тўлдирадиган, ёшларни юртпарварликка ундайдиган шеърлардир.

Табиатга ошиқ кўнгил

Табиат тасвири Саъдулла Ҳаким шеърятининг энг қабарик жихатларидан. Шоирнинг энг гўзал ташбеҳлари, кузатувлари асосидаги хикматли фикрлари табиат билан боғлиқ. Гўзал табиат кўйнида вояга етган Саъдулла Ҳаким табиат сеҳрини дилдан ҳис қилади, унга шоирона кўз билан қараб, янгидан янги ўхшатишлар топади. Шоир Нурота тоғлари, Гараша қишлоғини таърифларкан, меҳри ийиб “Булутини – қалпоқ, қорини – чопон, ёмғирини кўйлақ қилиб кийганман”- дейди. Яна бир гўзал қиёсга боқинг:

“Олмалар лабларин қирмизга бўяб,

Япроқ дуррасидан мўралаб боқар”.

“Нурота тоғлари”

Саъдулла Ҳаким шеърларидаги бу гўзал тасвирлар шунчаки бадий топилмалар учун эмас. Бунда шоирнинг табиатга муҳаббати жилваланиб турибди. Балким табиати нафис гўшада вояга етган шоир учун бу табиий ҳолдир. Аммо табиатга меҳр бўлмаса бунингдек гўзал қиёслар топиш мушкул. Шунинг учунми Саъдулла Ҳакимнинг шоир сифатидаги кузатувлари табиат лирикасида яхши зухур этган. “Ёз таронаси”, Ёмғир суви” туркумлари ва табиат билан боғлиқ бошқа шеърлари фикримиз далили бўлаолади. Иккитагина шеърини таҳлилга тортайлик. “Саратон”, “Жийда пишиғи”, шеърларидаги гўзал тасвирларга эътибор қаратсак.

“Жийда пишиғи” шеъри уч бандгина.

Тупроқ нур сочиб ётар,

Товланар сой тошлари.

Жийдалар бурқсиб тутар ,

Ер қизиган чоғлари.

Тунд осмон елмой сепар,

Гугурт чақар сарсари.

Жийдалар тутаб ётар

Гуллар ёнган чоғлари.

Юлдузлар- тутантириқ,

Куз ойни ёққан чоғлар,

Порлаб кетар шамолда

Қип-қизил чўғли шохлар!

Жийда пишиғи мавсумини тасаввур қилсак, тупроқнинг нур сочиб ётиши (айниқса қуёшли Ўзбекистоннимизда) кўз олдимизга келади. Қуёш нуридан сув остида тошларнинг ойнадек товланишичи? Сунбулада сувнинг тиниқлашишини, куз сойида сувнинг бўтана бўлмаслигини назарда тутсак, сув остидаги тошларнинг товланишини янада яққолроқ кўрамиз. Кузда жийданинг “Бурқсиб тутар”и биринчи ўқишда эриш туюлиши мумкин. Аммо жийда барглари рангини тутунга ўхшашлигини эсласак, шоир тўғри таъриф берганига ишонамиз. Тунд осмон елмой сепаетир. Ўз ўзидан мой сепгандан сўнг ёқиш керак. Ана энди сарсари гурурт чақилди. Куз юлдузларни тутантириқ қилиб Ойни ёққан чоғларда ёнаётгандек кўринган куз гуллари. Нега юлдузлар тутантириқ? Одатда олов ёқиш учун майда шохчалар тутантириқ қилинади. Ой тунни ёритган йирик олов бўлса у юлдузлар тутантириғидан ибтидо олган. Шоир Кунни, Ойни бош ҳарфларда ёзишининг ўзида бадий юк бор. Осмонда Ой олдин кўринадими ёки юлдузлар, эътибор қилдингизми, пайтий кетма –кетликка? Шеърдаги бутун тасвир жийда пишиғи вақтига ишора. Жийданинг пишган мевалари чўғга қиёсланади: “Қип-қизил чўғли шохлар”. Бетаккор тасвир. Порлаб кетишичи? Шамолда тебранаётган жийда шохлари, ундаги чўғга менгзалган жийдалар, чўғни пуфлаганда порлаб кетганини ёдга солмайдими? Тасаввур қилинг, жийда барглари кулранг, яъни кул. Шохдаги мевалар кул остидаги чўғ. Шамол кулни “пуф”лаганида жийда меваларининг шохда чўғдай порлаши ажиб манзара. Шоир тасаввурининг ҳосиласи бўлган бундай тасвирлар китобхон кўз ўнгида табиатни янгича суратлантиради. Шоирнинг маҳорати шундаки, у янги-янги ташбеҳлар орқали ғарқ пишган жийданинг гўзал тасвирини нафис ва тиниқ ифодалай олган.

Саъдулла Ҳаким табиат лирикасининг яна бир гўзал намунаси – бу “Саратон” шеъри. Шеър номини ўқигандаёқ, шоиримиз ёзнинг энг иссиқ ва қайноқ кунлари бўлган саратон тасвирини қандай ифода этар экан, деган иштибоҳ ўтади кўнгилдан. Саратоннинг товонни куйдирувчи оташиними ё

шоирона нигоҳ ила саратоннинг гўзал манзарасини яратадими? Шеър бошламасидаги тасвирдаёқ шоир ўқувчи диққатини торта олган:

Тирноқдай ғубор йўқ.

Осмон бир ёруғ.

Тонглар ичра отар сара тонг.

Саратон ойининг тонги ҳам бошқа тонглардан сара экан.

Кўк гумбази гўё улкан сариқ том,

Ловуллайди фалак тоқида гулхан.

Тоблар, эритар қуёшни ёмби олтиндай,

Фалакка ўт қўяр Саратон.

“Сара тонг”, “сариқ том” сифатларига эътибор қилинг, шоир бу ифодалар орқали сизни оҳисталик билан “саратон” тасвирига етаклаётгандек. Кўк гумбазини сариқ томга, қуёшни гулханга қиёслаган шоир Саратон қуёшни ёмби олтиндай эритиш учун фалакка ўт қўяётганини ифода этади. Саратон иссиғининг тасвири давом этади:

Тошлар чатнар...

Тошлар сув остида балиқдай сузар.

Тап-тақир қолдириб бўз далаларни

Сув бўйига кўчар яшил майсалар.

Тераклар елпинар оёқда туриб.

Ўқувчига завқу шавқ улашувчи, табиат ҳолатига ғоят мос қиёслар топилган инжа сатрлар. Иссиқдан чатнаб кетган тошлар гўё салқинлаш учун сув остига тушиб олишган. Саратон тафтидан қовжирай бошлаган майсалар далаларни тарк этиб, сув бўйига келиб олишган. Яъни, кўчманчи чорвадорлар ёзда тоғларга мол ҳайдаганидек, майсалар сув бўйига кўчган. Шунинг учун энди у далалар тап-тақир. Теракларнинг оёқ учида тик турганича елпинишдан ўзга чораси йўқ. Буни аниқ ҳис этиш учун саратонда терак баргларининг билинар-билинемас жимираб туришини тасаввур этиш, кифоя.

Кетмон соясида мудрайди ғайрат.

Шийпонда ёнбошлаб ўй сураб дехқон,

Ҳаёти жилдираб эгатга оқар.

Саратон пиширар умидларини,

Фикрида нур чакнар.

Шоир табиат тасвири билан чекланиб қолаётгани йўқ. Тасвир марказида инсон, бу ўринда “Ҳаёти жилдираб эгатга оқаётган” ўзбек дехқони, унинг кечинмалари турибди. Унинг саратон пишираётган умидлари замирида, яхши ҳосил олишдек эзгу ният, шунга яраша тўй-тамоша қилишдек орзу ҳаваси турганини, шоир бу ҳақда сўз юритмаса ҳам, ўқувчи ўз кўнглидан ўтказди, фикрида нур чакнаган дехқонни ўз яқинидек юрагига ёвуқ тортади. Моҳиятга қайтадиган бўлсак, бободехқон саратон иссиғи сал чекиниши боис “кетмон соясида мудраган ғайрат” уйғониши билан яна меҳнатини давом этдиради. Шундай қилиб, саратоннинг бир куни оғиб бораяпти:

Ниҳоят қип- қизил тилло ёмбини

Уфққа ботирар фалак гўлахи,

Борлиқ чуйкаб кетар...

Сачрайди фалакка эриган қуёш,

Балдоқдай товланар ярим бўлаги.

Ўрик шохларига томар,

Нафис ётоқларга тўкилар

Қахрабо қуёш томчилари.

Ғуруб ҳолатининг гўзал тасвири. “Эриган қуёш” шоирнинг нафис топилдиқларидан. Мартен печларида пўлат қуювчиларнинг ҳаракатини кўз олдингизга келтирсангиз, шоирнинг тасвирлари нақадар ҳаётий эканига яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз. Қуёш эриди ва томчи-томчи фалакка сачраб кетди. Ярим бўлаги ой шаклида балдоқдай товланиб турган бўлса, қолганлари юлдузлар кўринишида чўғдай ялтираб турибди. Ўрик шохларидаги зарғалдоқ мевалар эса қуёшдан томган қахрабо томчилардир. У томчилар нафис ётоқларга ҳам тўкилди. Саратон ойига хос ғаройиб оқшом манзараларини шоир ана шундай бетакрор, оҳорли ташбеҳлар мисолида кўз ўнгимизда ёрқин жонлантиради. Ва ниҳоят тонг отади:

...Ер қизи таратиб мушку анбарлар

Эриниб уйғонар.

Малоҳат билан

Қўш ёмбига ёпар ипак сийнабанд

Ва бир жуфт зарғалдоқ қуёш томчисин

Аста тақиб қўяр қулоқларига...

Бу энди ифода этишдан ҳам кўра ҳис этиш орқали англаш мумкин бўлган гўзал сатрлар, деб ўйлайман. Ер қизининг ўзи қуёшдан ранг олган ёмби мисоли... Қулоқларига тақиб қуяётгани исирғалар эса эриган қуёшнинг совуган зарғалдоқ томчилари. Нима учун ер қизи эриниб уйғоняпти. Қуёш эриган оқшом тонгида "эриниб" уйғониш саратонга хос ҳароратли кун ва ҳароратли қалб туғёнларидан ҳали ўзига келмаган ер қизининг рухий ҳолатининг инъикосидир. Нима учун ер қизи эриниб уйғоняпти. Саратонда тун ялдо кечасидагидек бирдан келиб қолгандай бўлмайди. Шоир мана шуни "эриниб" сўзига юклаган. Банддаги сўздан олдинги уч нуқталар ҳам охиридаги уч нуқталар ҳам шеърга сиғмай қолган яна давом этдириш мумкин бўлган рухий кечинмалар тасвирига ишора.

Устоз профессор Қозоқбой Йўлдош “Кўнгил очқичлари” мақоласида Саъдулла Ҳаким шеърляти ҳақида сўз юритаркан “Саратон” шеъри ҳақида ҳам икки оғиз ёзганди: “Шеърни бандларга ажратиш тартибига ҳам, вазнга ҳам, қофияга ҳам деярли риоя қилинмаган шеърда саратон ҳавосининг ҳолати мураккаб сифат ва хусусиятлари билан чизилган. “Кўк”нинг “сарик” қарши қўйилиши фалак тоқида ловуллаётган, қуёшни эритаётган саратонни эмас, саратон қуёшни эритаётгандек таассурот пайдо бўлади. Бизнинг шеърлятимизда “Кетмон соясида мудрайди ғайрат” тарзидаги образли ифода илк бор қўлланилган”.

Юқоридаги икки шеърни кенгроқ таҳлил қилганимиз каби Саъдулла Ҳакимнинг табиат тасвирига бағишланган ҳар бир шеърини шундай завқ билан ўқиб фикр билдириш мумкин.

Айрим мисоллар келтирайлик. “Оқиб ўтди юлдуз тўла тун”дан:

Дарахтларнинг гул қадахларин,

Хушбўй еллар эсганда сарин

Оқиб ўтди юлдуз тўла тун.

Шоир ижодини ҳам табиат билан боғлашга, унинг асл илҳом манбаи табиат эканлигига қуйидаги сатрлар гувоҳдек: “Олмос чақмоқлар”дан:

Олмалар гул тўкди сатрларимда,

Шеъримга сочилди тун чироқлари.

Янграб кетди занжир қофияларда

Баҳор осмонининг қалдироқлари.

Атлас кўйлак кийиб гул-гул яшнаган аёл гўзаллигини ҳам табиат билан боғлаб тасвирлайди “Ёз оқшоми”да. Атлас кийган аёл гуҳандек ёниқ кўришиш бериши:

Ой бўзариб ботаётган

Ёз оқшоми ичида,

Аёл ёқди атлас гулхан

Шундоқ оёқ учида.

Ёки “Ёз фасли, пешин чоғи” шеъридан:

Баланд –баландда тўрғай,

Қуёш тўрқовоқ гўё,

Тўрғайнинг тумшуғидан,

Таралар жаранг наво.

“Тунги такқослар”, “Баҳор”, “Ойдин кеча”, “Туманли дара”, “Ҳамал”, “Садақайрағоч”, “Оқиб ўтди юлдуз тўла тун”, “Гул барги” каби шеърларида ҳам чиройли қиёсларда табиат тасвири берилади. Шоирнинг янгидан янги ўхшатишларидан завқласиз, атроф кўзингизга янада гўзал кўринади.

“Тун ва қуёш”

Юлдузларни дондек териб,

Ой булоғин ичиб кетди-

Қора товуқ тилло тухим

Қўйди-ю, сўнг учиб кетди.

Инсон гўзал табиат қўйнига кирганида баҳри –дили очилиб кетаверганидек, Саъдулла Ҳакимнинг табиат лирикаси ўқувчи шуурини нурлантира боради. Иброҳим Ғафуровнинг қуйидаги сўзлари Саъдулла Ҳакимнинг табиат лирикаси учун айтилгандек: “Саъдулла Ҳакимнинг шеърлари ҳам шунақа – ичига бир кирсангиз кириб кетаверасиз, тоғма –тоғ, боғма –боғ юракма – юрак ўтиб бораверасиз, ўқиб бораверасиз, меҳр ўртада камаймайди. Баъзи шеърлари бамисоли Гарашанинг оппоқ патири –умрлар яшаб ҳеч таъмини унутмайсиз” (Заминга туташ антенна. С. Ҳакимнинг “Сайланма”сига сўзбоши. Сайланма. Ғафур Ғулом номидаги НМИУ. Тошкент -2001).

Шоир ижодидаги нозик тасвирлар, гўзал шеърий ифодалар шоир шеърларини бепарво ўқишга қўймайди. “Туманли дара”дан:

Қуюқ туман титрар дарада,

Қуюқ туман бамсли денгиз.

Чўмилади дарахтлар яйраб,

Сочларини ёйиб гўё қиз.

Гўзал қиёс. Шеърда “Гуллар туманларни сут каби ичар, Чақалоқлар каби ўсар гуркираб” каби гўзал ташбеҳларда туманнинг денгизлигию уйларнинг сузиб юришигача кўз олдингизга келадиган қилиб тасвирланади. Туманнинг тарқалиши тасвирига қаранг:

Қуюқ туман кўкка йўл олар,

Эриб борар фируза денгиз.

Юракларда нашъаси қолар,

Кўкатларда сон минг кумуш из...

Чинни каби жаранглар ҳаво!

Шоирнинг “Ёмғир суви”, “Ёз таронаси” туркумларида “Тун сеҳри”, “Ой синиқлари”, “Айғоқчи шамол””Уятчанг гуллар”, “Тиниқ сой”, “Чоштепада ёз”, “Алёр”, сингари шеърларида шоирнинг табиатга бўлган ошуфталиги уфуриб турибди. С. Ҳаким табиат лирикасида табиат гўзаллигини

тасвирига қолмайди. Оригинал ўхшатишлар топиб, жўяли фикрлар айтади. Бу жиҳатдан “Қора булут” шеър характерли:

Аҳли эҳтиёж мудом
Эл ҳимматидан шариф.
Тўғрилиги учун ҳам,
Игнага эргашар ип.

Зеро ҳақиқат абад
Ҳаракатда билинур.
Бағри қора... шу сабаб
Булутдан қочар ёмғир!

Яна бир “Излар” шеъридаги тоғнинг баланд қиррали чўққиларини арранинг тишларига ўхшатиб, осмонга арра тортиши тоғлик йигит қиш ғамида арра тортаётгандек:

Қуриб қорайган янтоқ,
Чўкир шuvoқ, кўк барра.
Узоқда кунгура тоғ
Осмонга тортар арра.

Шоирнинг “Тун сеҳри”, “Келинчак”, “Ойдин тунда”, “Туманли дара” ва бошқа табиат тасвири тиниқ бадиий бўёқларда сўзларла чизилган шеърлари ҳақида ҳам тугал мақолалар ёзиш мумкин. Саъдулла Ҳакимнинг сўзнинг гўзаллигини очиб ташлаши ҳам, сеҳрлагудек ташбеҳларила ҳайратга солиши ҳам табиат лирикасида ўз аксини топган. Саъдулла Ҳакимнинг табиат лирикаси она табиат шеъриятимиз учун тугалланмас мавзу, энг гўзал ўхшатишларга илҳомлантирувчи манба эканини яна бир бор исботлайди.

Ғазалга ошуфта дил

Лириканинг беаги бўлган ғазал мумтоз адабиётимизда энг кўп салмоқли ўринни эгаллайди. Лутфий, Навоий, Бобур, Огаҳий, Машраб ва яна ғазалнинг юксак намунасини яратган ўнлаб шоирларимиз ижодидан баҳраманд бўлган ўзбек шеърхонига ғазал ёзиб манзур қилишнинг ўзи бўлмайди. Умуман ғазал ёзиш учун шоир маълум бир ижодий малака ҳосил қилиши керак. Шоирга ғазалнинг “темир қоидалари”ни билишгина ғазал ёзиши мумкин дегани эмас. Аввало руҳий жиҳатдан шоир ғазал ёзиш даражасига етиши лозим. Ғазалга меҳр қўйиб, дилидаги ошуфталикни изҳор қилишнинг ўз мураккабликлари бор.

Ўзида мана шу меҳрни сезган Саъдулла Ҳаким ғазал жанрида ҳам қаламини синаб, яхшигина ғазаллар, мухаммаслар ёзди. Саъдулла Ҳаким аввало ҳазрат Навоийдан сабоқ олди десак адашмаймиз.

Туркий эл, назми очун навоси – бу Навоий,

Шамси ҳақнинг дилга тушган зиёси- бу Навоий.

...

Жойнамоздек саҳфа узра сажда қилди бош қўюб,

Саъдуллонинг беш вақт ҳар кун дуоси – бу Навоий!

Бу мисралардан шоирнинг буюк Навоийга чексиз муҳаббати кўриниб турибди. “Мир Алишер гулшани “ туркуми ҳам шу муҳаббат меваси ўларок юзага келган.

Шоирнинг “Аҳмад Яссавий ғазалига мухаммаси”га эътибор қилиб икки бандни мисол тариқасида келтирайлик:

Ҳақ таоло ҳар дилга шуълаи пок қотар-о,

Калимаи шаҳодат забонига биъар-о,

Кечар булоқдек тонглар, дарёи шом етар –о

Бешак билинг, бу дунё барча элдан ўтар –о,

Инонмағил молинга бир кун қўлдан кетар –о.

Роҳат изтиробдадир, фароғат қани дема,

Ўзни буғдой, ўзгани сариқ сомони дема,
Рост боқиб сўз айтса ким дўст тушун, ғаним дема,
Дунё учун ғам ема, ҳақдин ўзгани дема,
Киши молини ема, сирот узра тутар-о.

Беш бандлик мухаммаснинг ҳамма бандларида фикрда ҳам оҳангда ҳам уйғунликни кўрамиз. Бу бекорга эмас. Шоирнинг табиатида, руҳида ирфонийликка интилиш бор. Саъдулла акани таниганлар буни доимо ҳис қилган бўлсалар керак. 1995 йили шоирнинг ўзи ёзган қуйидаги фикрлар бу жиҳатдан аҳамиятли: “Покланиш учун улуғлар руҳига сиғинамиз, қабрларини зиёрат қиламиз. Икки йил муқаддам ҳазрат Аҳмад Яссавий маконларини зиёрат қилиб қайтдим.

Мақбаранинг орқа биқинида нақшинкор эшик бор эди. Талотўп одам. Муридлар кузатувида ҳазрат чиқиб келдилар. Юзлари ёруғ, хиёл эгилганлар. Кулимсираб чикдилар. Кўришиб ўтдилар. Мен билан ҳам. Қувончимдан ўзимга сиғмай кетдим. Кўкаламзор хилватга чиқиб шеър ўқидим. Саккиз қатор. Ўқий туриб уйғониб кетдим. Ҳарчанд уринмай, фақат тўрт сатрини эслай олдим:

Ёкут шуурингиз бор этар йўқни,
Илкингизда пахта совутар чўғни,
Тариқат отаси, Оллоҳнинг қули,
Аё ҳазрат Султон – Аҳмад Яссавий!

...Шеър қалб ва руҳ қанотидан тўкилган парлар. Шеърларим ҳаётга, одамларга, оламга муносабатим инъикоси. Шундай, гоҳ-гоҳ тушимда ҳам, аксар ҳолларда хаёлимда ёзаман. Қоғоз қоралаб ижод қилмайман”. Охириги ёзган достонида ҳам Яссавий ҳақида қуйидаги мисралари бор:

Жаҳон ёди – офтобида Яссавий,
Ҳар кўнгилнинг китобида Яссавий.
Ошиқ кўнгил меҳробиди Яссавий.

Бу Саъдулла Ҳакимнинг Яссавий шахсига, ижодига бўлган ҳамишалик боғлиқликнинг натижаси.

Ким нима деса десин-у тушида пайғамбарларни, авлиёларни кўриш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Бунинг бир илоҳий ҳикмати бўлиши керак. Ҳазрат Алишер Навоийнинг тушида пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламни кўрганини айтадилар. Ёки бошқа бир улуғлар ҳаётида ҳам шундай воқеалар бўлганини эшитганмиз. Бу инсондаги эътиқоднинг мустаҳкамлигидан, доимо шу руҳоният олами билан боғланишда бўлишга интилиш билан боғлиқ бўлса керак. Яна Аллоҳ билади. Нима бўлганда ҳам мен тушда авлиёларни кўриш инсонни имони поклигидан деб биламан. “Самарқанд ўйлари”, “Бўлмагай”, “Бўла олмас”, “Шу гўзал боғ ичинда”, Сайраб турган сайрон булбул” ғазаллари ҳам бадиий санъатларга сероблиги билан ажралиб туради.

Кулмагай ҳеч ким гўдак сайрон сафо кулганчалик,

Келмагай ҳеч бир замон ёшлик замон келганчалик.

...

Саъди олло, ғам ўтар, шодлик ўтар, касбингни қил,

Қолмагай сендан тирик бир янги сўз қолганчалик.

“Бўлмагай”

Шоир ғазалларида том маънода устозларга эргашмайди. Ўз кечинмаларни замонавий руҳда айтишга ҳаракат қилади. Айрим ғазалнавис шоирларнинг сўз қўллаши ва фикр баёнида ҳам салафларга тақлид кучли бўлса, Саъдулла Ҳакимда ундай эмас.

Гул фасли шаҳар узра товланган камлакни

Ўқ минора устида тортилган камон кўрдим.

“Самарқанд ўйлари”

Яна бир мисол:

Жонон кўп, сенидек жонон топилмас,

Нодон кўп, менингдек нодон топилмас.

Севдим сени, жоним жонингга кирди,

Ақлим кирмоғига макон топилмас.

Шу боис дунёга сиғмасман, ўзни

Қўярга на ер, на осмон топилмас.

Гарчанд Саъдулла Ҳаким унчалик кўп ғазал ёзмаган бўлса ҳам, ёзганларининг ўзи шоирнинг бу жанр табиатини яхши билганлигини кўрсатади.

Халқ ижодидан улгу олиб

Ҳар қандай адабиётнинг асоси халқ оғзаки ижодидир. Фольклори бой халқлардан буюк шоирлар кўпроқ етишиб чиққан. Саъдулла Ҳаким шеърятининг ўзига хосликларидан бири халқ оғзаки ижоди йўлида, халқона руҳда шеърлар битишидир. Шоир болалигини эслаб шундай ёзади: “Отам қишлоғимизга биринчи бўлиб радио олиб келган. Навоий, Яссавий, Машрабни кўп ўқир, ҳар турли китобларни уйга тез-тез олиб келиб турарди. Онам узун қиш кечалари ҳаммамизни сандал атрофига йиғиб, “Орзуғул”, “Равшан”, “Интизор” дostonларини ўқишни яхши кўрарди. Асосан мен ўқирдим, халқона кўшиқ йўлида”. Мана шу ўқишларда халқона оҳанг қуйма кулоқ шоир хотирасида бир умрга сақланиб қолади ва кейинчалик шеърларида маълум даражада ўз аксини топади.

“Ҳар ким ўз кўшиғин айтиши керак” халқ иборасини ўзига шиор қилиб олган шоир доимо оригиналикка интилади. Ўз кўшиғининг йўлларини кенгайтиришни, турфа қилишни истайди. Қалби халқ руҳига яқин бўлгани учун ҳам Саъдулла Ҳаким ижодида халқона йўлдаги шеърлари алоҳида ажралиб туради. Ижодкорлар фикрини таъсирчан айтиш учун халқ оғзаки ижоди, турли ривоятлардан фойдаланиш анъаси азалдан бор. Саъдулла Ҳаким ҳам “Содиқ ит ривояти” шеърида бундан усталик билан фойдаланади. “Бу удумни четлаб ўтмоқ бизларга ётдир. Ҳақиқатдан кўз юммоққа етмади бардош” –дея хотинининг эрига, яъни ўз хўжасига қилган хиёнатига чидолмаган ит қисмати ўқувчига таъсир қилмай қолмайди. Тағмаёнода инсоннинг бардоши етмаса, ҳақиқатдан кўз юммоқликка етмасин деган мазмунни туясиз. “Кимнинг узуми ширин”, “ Уйланиш”, “Уддабурро Сатторбой сири”, “Ражаббойнинг белгиси”, “Ривоят” каби воқебанд шеърлар Саъдулла Ҳаким халқ юморидан фойдаланиб ўқишли асарлар ёзганини кўрсатади. “Чопоним”да эса ёр кўли теккан вақтда чопони ичида бўлмаганидан афсусланади. Бу шеърларда муҳими инсон тийнати бор. У шумроқми, дўлворими, қувноқми, хаёлпарастми рўйи-рост тасвирланган. Мана шу самимият Саъдулла Ҳакимнинг ҳар бир халқона йўлда ёзилган асарларида сезилиб туради. Саъдулла Ҳаким латифалар, ривоятлар, афсоналар асосида шеърлар ёзаркан шунчаки эшитганини қизиқарли қилиб сўзлаб берибгина қолмайди, ўзининг ўй мушоҳадаларини, айтмоқчи бўлган фикрини шу тарзда ифодалаб китобхонга сингдиришга ҳаракат қилади. “Шарқона” шеърида уйига меҳмон келганда отасининг ўлганини билдирмай меҳмоннинг иззатини қилган мезмон ҳолати тасвирланади. Бундай воқеа

качонлардир ҳаётда бўлгандир (лекин бугун эмас). Шоир ўзбек миллатининг ўзига хосликларини қанча мақтамасин мана шу воқеани баён қилганчалик китобхонга таъсир қилмасди. Биз биламиз энг яхши фикрни, ҳикматни ҳам чиройли бадий бўёқларда берса, эса қоларли бўлади. Адабиётдаги масал жанри бунинг энг яхши намунасидир. Саъдулла Ҳаким халқона йўлда ёзилган шеърларидаги яна бир жиҳат, шоирнинг ўз ўзини тафтиш қилиши. Бу жиҳатдан “Шарҳи ҳол” шеър характерли:

Очса юрак кўзини

Кўнглига нам келарми?

Ҳар бандаси ўзининг

Кимлигини биларми?

Мана шундоқ сўровлар билан бошланадиган 12 бандлик шеър “ўзинг кимлигингни биласанми” деган саволни ўзи мисолида китобхонга бераётгандек туюлади ва бу билан биз ҳамиша ўзликимизни тергаб туриш, ҳаддан ошмаслик, инсон ўзига ўзи ҳисоб бериб туришга ундайди.

Наҳот менинг исёним

Дилимда қотиб қолган.

Шеърлар битганим ёниб

Наҳотки бари ёлғон?

Қилган ишларига, ёзганларига бир боқиш билан шоир кўнглидаги “Ахир, мен ҳам қулликнинг жафосини туйдим-ку” дея дардларини тўкиб солади. Аммо, ҳамиша “ юрагимга хурликнинг либосини” кийганини таъкидласада, муҳими юракдаги фикрлари билан ҳаракати мос келадими?. Умуман фольклорга хос бўлган сўз ва иш бирлигини тараннум этиш Саъдулла Ҳакимнинг мана шундай шеърларида кўринади. “Яхши ном” шеърдаги айрим бандларни мисол тариқасида келтирамиз:

Пар-пар ёнган оловдан

Соврилиб кул қолар-о.

Ҳар томчи тамом ўлмас,

Ёмғирдан гул қолар-о.

Қирғиякдан қирову

Нам қолгандек қировдан.

Кимдан бир асл мева.

Япроқ мерос бировдан.

.....

Авлодлар хотирида

Энг муқаддас эҳтиром,-

Яхши номдан яхшироқ

Яхши номдир яхши ном!

Яхши ном қолдиришга ниятнинг ўзи катта гап. Астойдил яхши ният қилинса амалга ошиши ҳам шубҳасиз. Халқимиз яхшидан боғ қолади, ёмондан доғ деганда ҳам яхшиликнинг кишилар дилидан ўчмаслигини назарда тутган.

Саъдулла Ҳаким халқ мақол ва маталларидан таъсирланиб ўзи ҳам пурҳикмат мисралар битади.

Ечинтирган дим кўкламдан

Кийинтирган куз яхши.

Миннатли номард ошидан,

Мард берган нон-туз яхши.

(“Халқона”)

Одатда шеърларда баҳор, кўклам ҳамиша мақталади. Қишдан кейинги илик кунлар тафти мадҳ этилади. Шоир ўз мақсадидан келиб чиқиб кўкламни кузга қаршилантираётир ва бу ерда мақсадига эришган.

Саъдулла Ҳакимнинг “Адолат” номли шеъри бор. Шеър воқеабанд. Адолат қаёққа кетди дея шовқин солаётган беморни руҳий хаста деб ўйламанг, у ҳамшира қиз Адолатни чақиряпти. Энди шоирнинг шеърдаги сўзларга кўшмаъно юклаб айтган хулосасига кулоқ тутинг:

У кириб келару оғриқ пасанда,

Бемор шовқини-да хонани тутмас.

Ажаб, беморлар ҳам бизнинг замонда

Адолат бўлмаса соғайиб кетмас!

Шоир мухбирнинг “Биринчи ўқиган китобингиз? Ўқиган китобларингиз қаҳрамонларига ўхшагингиз келганми?”- деган саволига шундай жавоб берганди: “Биринчи ўқиган китобим “Орзугул” достони. Адашмасам, учунчи ё тўртинчи синфларда эдим. Достон қаҳрамони Орзугул кўнгил кўйгани Сувонхон ва Доно чўпон билан Қорахон пошшо зулмига қарши кураш олиб боради ва ғалаба қозонади. Адолат ва ҳақиқат қарор топади. Шу – шу, мана шу икки буюк туйғу – адолат ва ҳақиқат мен учун болалик ҳаётимда ҳам йўлчиноқ бўлган. Кейинроқ уйимизда “Равшан”, “Интизор”, “Алпомиш” достонлари пайдо бўлди”. Мана сизга китобнинг тарбиявий аҳамияти, шоир ижодининг халқона замини.

Саъдулла Ҳакимнинг халқ кўшиқлари йўлида ёзилган шеърлари ҳам анчагина. “Узум таърифида” бунга яхши намуналардан бири.

Чилги гўё қаҳрабо зар,

Ток зангини нурдай безар.

Тенгини топсам сўзгина

Эрта етилган қизгина.

-Воҳ, қани узум?

-Оҳ, мана узум.

-Қўша –қўша олинг,

Жуфт-жуфт солинг.

Шеърда узум шунчаки мақталмайди. Бадиий бўёқларда, тимсолга айлантирилади. Узум қуралай кўздек мўралайди, асалга оналик қилади, ёрижондек қишни ёз қилади. Ҳар доим кўриб юрганимиз узум таърифини шоир сўзи билан кўнгилимизга янада гўзаллик индиради.

Ёки “Болалик ёди” шеъри ўқисангиз халқ кўшиғини эшитгандек бўласиз:

Тор кўчани тўлдириб

Оқади олма иси.

Олмазордан кўчага

Тўкилар қиз кулгиси.

мисралар, бандлардаги оҳанг ўқувчинида шуурига ўтади.

“Зикирё ошиқ, Хидир қудуқчи ва Гулнор пари ҳақида қисса”да ҳам фольклор унсирларидан фойдаланиб шоир кўнглидаги гапларни айтади. Асар бошламаси:

Чўққиларин бошига

Оппоқ қорлар тақия,

Олис тоғ қишлоғида

Рўй берган бу воқеа.

Раиснинг ўғли ўрнига ўн беш ёшда армияга кетиб, тилини унутган Зикирёнинг юртга қайтгач қийналганлари, севгани кўшни қиз Гулнор сабаб аслига қайтгани таъсирли ифодаланган. Ҳар бир образда шоирнинг ишорали айтувлари бор.

Бу воқеани дўстлар

Шунчаки сўзламадим.

Сўздан яширин, ўзга

Муддао кўзламадим.

Тилини унутганлар

Топилиб турар ҳамон.

Зикирёлар бахтига

Гулнорлар бўлсин омон!

Ҳазил тарзида айтилган сўнги мисралардаги мазмун тағмаъносини шундоқ тушуниб турибсиз.

Саъдулла Ҳакимнинг “От ҳурмати”, “Кўхна нақл”, “Чоштепада ёз”, “Афанди”, “Уч гулим, уч чечагим”, “Бойбичча”, “Кўшиқ” шеърлари ҳам халқона руҳнинг устуворлиги билан ажралиб туради. Умуман бу руҳни шоирнинг ҳар бир шеърда сезиш мумкин. Чунки шоир кўнгли халқи билан, унинг куй- кўшиғи, борлиғи билан чамбарсач боғлиқ эди.

Шахсга хурмат

Тарихий шахслар сиймосига мурожаат қилиш, улар тимсолида фикр айтиш адабиётимизда яхши анъанадир. Саъдулла Ҳаким асарларида Тўмарис, Широқ, Жалолиддин Мағуберди, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Бобур, Машраб, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Зулфия, Усмон Носир, Шароф Рашидов, Асқад Мухтор, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Азим Суюн, Муҳаммад Юсуф, Тўйчи Эрайигит каби узоқ ва яқинда ўтган тарихий шахсларнинг номини учратамиз. Бу тарихий образлар шоирнинг маълум бир ғоя, фикрларини амалга ошириш учун хизмат қилади. Айни пайтда шоир таърифламоқчи бўлган шахс тийнатига хос хусусиятларни бир – икки мисрада ёрқин ифодалайди. Алишер Навоийни “Шамси ҳақнинг дилга тушган зиёси” дея улуғлаб ўзига пир билади.

Сен, эй кўнгил, гар тиларсан хўб,

Сўз сеҳридан умрингга нажот,-

Мир Алишер этагини ўп,

Бобур Мирзо эшигида ёт...

“Навоий ва Бобур” шеърисида февраль ойида икки буюк шоиримизни таваллуд кунларини нишонлашимизни, ҳали бодом гулламаган пайтда- “Туркий замин кенгликларида, Чаппараста гуллайди одам” дея жуда гўзал таърифлайди.

Машрабдек оташнафас шоирлар маънавий тарихимиз кўркидир.

Минг дордан қочган

шуародан сўнг

Машрабдек бир шоир тик

борар дорга.

“Машраб” номли тўртлигидаги бу икки мисра мумтоз адабиётимиз ёрқин сиймоси Машрабнинг кимлигини кўрсатиш билан бирга “дордан қочган шоирлар” ҳам бўлиши мумкинлигини айтмоқда. Шоирнинг асл

мақсади шоирман деган дордан қочмайди, дордан қочган шоирмасдир фикрини китобхонга сингдириш. Бу ерда дор – ҳақиқат. Ҳақиқий шоир доимо ҳақиқатпараст бўлади. Бу рух “Усмон Носир ва ўзгалар”, “Чўлпон ёди” шеърларининг ҳам мазмунини белгилаган.

Шеърга шайдо чоғидан Ойбек ижодига меҳр қўйган шоир Ойбекнинг гул боғидан сўз терганидан завқланиб “Ойбек” шеърида шундай хулосага келади:

Ёдимда ёниб қолди
Қуёшдек порлаган кўз.
Сўзга айланган олтин,
Олтинга айланган сўз!

Энди замондош шоирга бағишлаб ёзган шеърига эътибор қиламиз. Шоир шеърларида шахслар образини яратадими, табиат унсурларидан образлар топадими ўзига хос жиҳатни илғай олади. Унинг “Маъруф Жалилга” шеърида шоир Маъруф Жалилнинг инсон сифатида ўзига хосликларини жуда ўхшатиб бергани ҳолда “Бир шоир бор эл ичра таниқ, Шеъри юрар ўзидан аввал...” дея хулосалаб Маъруф Жалил шоир сифатига кимлига жуда лойиқ баҳосини беради. Маъруф Жалилни яхши билганлар Саъдулла Ҳаким бу шеърида шоир образини ҳаққоний чизиб берганига тан бермай иложи йўқ. Саъдулла Ҳаким мумтоз адабиётимиз вакили ҳақида ёзадими, замонавий шоир ҳақида ёзадими асосийни керакли нуқтани топиб шахсининг ўзига хослигини кўрсатишида.

Шоир метонимия қўллаш билан вақтида адабиётимизда воқъе бўлган асарлар номини айтиб, муаллиф ижодининг аҳамиятини кўрсатади:

”Митти юлдуз” ўша кундузнинг
Жамолидан эди бир нишон.
“Ўзбегим”ни қилиб қироат
Тозарарди томирларда қон.

“Кунларим” шеъридан келтирилган бу мисол айни пайтда шоирнинг ёшлиги, ижодий изланиш даврлари ҳақида ҳам маълумот беради.

Ҳассос шоир Муҳаммад Юсуф вафоти муносабати билан 2001 йил, 31 июль куни ёзилган “Муҳаммад Юсуф” шеърида:

Элликқалъа элида,
Ҳар ошиқнинг дилида
Эллик биринчи қалъа
Бўлиб ётар Муҳаммад.

Шеър – суҳанга мартаба,
Марҳаматга марҳамат
Этмиш Эгам, ҳар тараф
Куйлаб ётар Муҳаммад.

Ёки яқиндагина оламдан ўтган ҳассос шоиримиз Абдували Қутбиддинга бағишлаган “Абдували” номли тўртлигини кўринг:

У эди шеър у шуқуҳ рамзу мажоз қутбидин,
Шамси – иймон-эътиқод, юрар йўли, қутби – дин.
Тариқатда Қутбиддин эшон бобо авлоди,
Шеъриятда нисбаси – Абдували Қутбиддин.

Яна бир оловқалб шоир Азим Суюн хотирасига ёзилган “ШОИР ИЗИ”даги ёниқ мисраларни кўринг:

Тупроқдан изламанг шоир изини,
Шоирнинг жисми ҳам фанога доир.
Шеърхон юрагидан кетмас узилиб,
Сўзга ўйиб кетар изини шоир.

Шеърият миллат танламайди. Бирорта буюк шоирнинг тақдири инсоният учун бегона эмас. “Пушкин” шеъридан:

Танҳо эди. Туғилмас
Энди, Пушкин бошқа йўқ.
Аммо кезиб юрибди

Шоирга отилган ўқ!

Саъдулла Ҳаким шеърларида номлари зикр этилган бошқа тарихий сиймолар ҳақида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин.

-Буюк зотлар – ярқираган хур чакмоқ,

Зулмат бағрин пора-пора этар чок,

Ҳар юракда ёқиб кетар бир чирок.

Саъдулла Ҳаким Алишер Навоий, Бобур, Машраб, Ойбек шахсига муносабатда ҳам, тенгдош ёки ўзидан кичик Муҳаммад Юсуф, Абдували Қутбиддин шахсияга муносабатда ҳам бирдек самимий ҳурматда бўлади. Саъдулла аканинг бу мавзудаги шеърлари бизга ўша шахсларнинг яна бир ёрқин томонини кўрсатади, қалбимизда ўша сиймолар қадрини юксалтиради.

Бадиийликни мезон билиб

“Поэзияда ҳикоя қилиш, тасвир этиш, кўрсатиш, ўргатишгина етмайди, поэзия сеҳрлаши керак, ўйлатиши, руҳни кўтариши, куч бағишлаши, ҳар бир образли сўзнинг бутун гўзаллигини очиб ташлаб, ҳайратга солиши керак” (“А. Мухтор. Шеър- шоир виждони. “Мумтоз сўз” Т., 2011. 49-бет). Поэзия шундай бўлиши учун бадиий даражаси юксак бўлиши лозим. Бадиият ҳамиша адабиётнинг қадрини белгиловчи бош мезон бўлган. Асарнинг таъсирчанлигини унинг бадиияти кучайтиради. Буни яхши англаган Саъдулла ака шеърларида иложи борича янгидан янги ўхшатишлар, муболағалар, ташбеҳу талмеҳлар топишга ҳаракат қилади. “Хаёллари ўз бағрига найзалар отар”, “Ёмғир суви гардларини ювган гул мисол”, “Меҳр бўлсин ёнган чироқ”, “Йўл уйғонар туёқларнинг таронасидан”, “Фақат бор бисотин топшириб кузга, Баҳорга ошиққан дарахтлар каби”, “Қояда юлдуздек чакнаган оху”, “Тўй либосин ташлаган қиздек, Далаларнинг ўчди бўёғи”, “Гуллар туманларни сут каби ичар”, “Қизариб кетибди йиғидан, Олманинг ўйчан кўзидан...”, “Туёқ излари ёмғир сувига тўлди, Ўтлоққа тўкилди ой синиқлари”, “Оқиб ўтди юлдуз тўла тун...”, “Ташбеҳлар сингари тизилиб тоғлар, Куёш кокилига урдилар тарок”, “Шаршара кўрғошин устунга ўхшар”, “Тунги ёруғ юлдузлар бари, Шохчаларга кўниб олибди”, “Отдан тушар Бола Ботир ой нурига осилиб”, “Тойиб кетди оёғимдан из”, “Балдок каби қизарди Ой”, “Юзга тортиб оппоқ кўрпани, тим-тирс ухлар хориган кўча” каби ва яна кўпгина мана шундай гўзал ўхшатишлар Саъдулла Ҳаким шеърларини безаб турибди. “Келинчак” шеъридаги мана бу ўхшатишларга эътибор беринг:

Майда босиб қўйса қадам

Гулшан аро келинчак,

Қўш исирға қулоғида

Яйраб учар ҳалинчак.

Келиннинг гулшанга кириши исирға ҳалинчак учишига асос бўлган. Кетмон чопаетганда ё сугир соғаётганда шу тасвирни берса эстетик таъсири бунчалик бўлмасди. Тасвирнинг миллийлигини таъкидлаган ҳолда шеърнинг таъсирчанлигини ҳам айтиш керак.

Шоирнинг баъзи шеърлари тўлиғича бадий санъатлардан иборат. “Ёзги нонушта”, “Ёз оқшоми”, Саратон”, “Туманли дара” шеърлари фикримизга далил. Айниқса ўн икки мисрала “Жийда пишиғи” шеър ана шундай ҳар мисраси бадийлик билан тўйинтиринган шеърлардан. Яна шу ни айтиш керакки шоирнинг қайси мавзуда ёзган шеърлари бўлмасин кўплаб бадий қаршилантиришни учратамиз. “Ёмғир нурларию нурлар ёмғири”, “О, шоҳ – юрак юртим, мен бир пиёда”, “Асли – ер баландда, Пастдадир Осмон”, “Тун ва Кундуз жанги этади давом”,

Шоир аллитерация – ундош товушларнинг такрорланишига асосланган, таъсирчанликни оширувчи, товушлар уйғунлиги таъминловчи воситлардан усталик билан фойдаланади. Унинг “Т+Т” тўртлиги бу жиҳатдан аҳамиятли:

Текислаб тоғу тош

тепа-тубанни,

Тўшакдек ташланди

тақдир туманни.

Тайрлар тентиди,

Тинди, толиқди.

Тафаккур топди тўғри

Тўрт томонни.

Шеърда ҳар бир сўзнинг бир хил “Т” товуши билан бошланиши оҳанг бериш билан бирга, маъно тўлиқлига ҳам путур етказмаган.

Шоирнинг бадий маҳорати туоқларида янада яққолроқ кўринади:

“Бобур” тўртлиги:

“Бобурнома”дан ўқибон ҳар боб, ур

Ҳайрат бонгини, сўнг назарни бо бур,

Ки Ватан соғинчин бир исми бундоқ:

Яъни, Заҳириддин Муҳаммад Бобур.

Тажнис шеъриятимиз тарихида энг кўп қўлланиладиган лафзий санъатлардан. Тажнис, ёки жинос ҳам дейилади шеърда маъно жиҳатидан ҳар хил, шаклан бир хил ёки ўхшаш сўзлардан фойдаланиб фикрни таъсирчан ифодалашга хизмат қилади. (А.Ҳожиаҳмедов)

Умр пешрав, сочни асролмас тароқ,

Бир-бир ҳар толасин қордек этар оқ.

Киювдим тор келди саодат тожи,

Болалигимда у эди каттароқ.

Саъдулла Ҳаким тажнислардан туркум қилгани ҳам шоир маҳорат кўлампидан нишондир. Шоир ижодида тажнисга асосланиб ёзилган тўртликлари анчагина.

Раҳматли устоз Абдулла Орипов сўз ишлатиш маҳоратига мисол қилиб давраларда бир тўртликни бот-бот эсларди. Хусусан Саъдулла Ҳакимнинг 60 ёшини нишонлаш муносабати билан Гарашага борганимизда Саъдулла аканинг уйида ҳам шу тўртлик эсланганди.

Кимсасиз ҳеч кимса йўқдур,

Ҳар кимсанинг бор кимсаси.

Кимсасиз бир кимсаям

Ё кимсасизлар кимсаси.

Бунинг муаллифини сўраганимизда: “ Тамарахонидан эшитганман, аммо муаллифи кимлигини эслолмаганлар”- деб жавоб берганди. Саъдулла Ҳакимнинг куйидаги тўртлигига эътибор қилайлик:

Дўстга дўстнинг дўст сўзи дўст,

Дўстга дўстнинг дўст кўзи дўст,

Дўстга дўстдай дўст борми дўст,

Дўстга бўлса дўст Ўзи дўст.

Менинг назаримда бу тўртлик устози Абдулла аканинг юқоридаги ўқиган шеъри таъсирида ёзилган бўлса керак. Биз учун кераклиси шоир маҳорати ҳақидаги фикримизни мустаҳкамлашидир. Саъдулла Ҳаким ижодидан бундай мисолларни анчагина топиш мукин.

Яна бир санъатдан фойдаланишини кўрайлик. Мумтоз адабиётда “Мусове-ул-тарафайн” номлаган бу санъатнинг гўзал намуналаридан Муҳаммадризо Огаҳийда бор.

Ул шўхки очилди хатти рухсори
Очилди раёҳинда юзи гулнори
Хатти юзи бесабру қарори манман
Рухсори гулнори манман зори.

Бунда шеър мисралари чапдан ўнга қараб ўқиганда ҳам, юқоридан пастига қараб ўқиганда ҳам бир хил ўқилади. Саъдулла Ҳаким битган “Мусофият тарафайн”:

Отанг-ёмғир, онанг- гулбоғ,
Ёмғир ёғар гулбоғ аро.
Онанг гулбоғ, ўзинг – гулсан,
Гулбоғ аро гулсан сара.

Шоирнинг маҳорати кўпроқ тўртликларида кўринади менинг назаримда. Мана бу туюққа эътибор берайлик:

Нодон кас ҳақида очсам гап устин,
Ноқис мижозидан туролмас устин.
Шаршара қўрғошин устунга ўхшар,
Аммо иморатга бўлолмас устун.

Туюқ талабларини яхши биламиз. Саъдулла Ҳаким бошқа шоирларни такрорламай туюқ ёзган. Бунда шоирнинг товушлар уйғунлигини бериш маҳорати билан салмоқли фикр айтиш маҳорати уйғунлашиб кетади.

Шоирнинг бадий маҳорати сўз қўллашда, сўзга бўлган муносабатда янада яққол кўринади. “Саъдуллони сўз ичидан ахтаринг” –дея ёзган шоир Саъдулла Ҳаким ўз сўзини топган шоир.

Ижодкорнинг бутун борлиғи унинг асарларида акс этади. Шоирнинг қайдайлигини билишни истаган одам унинг ёзганларини моҳиятига етиб

Ўқиши зарур. Ижодкорнинг битганларини тушуниш - уни ўзини тушуниш. Чунки шоир кўнглини қоғозга тўқади. Ўзи билиб – билмаган ҳолда борлигини намоён қилади. Қайсики шоир кўнглида борини ёзмас экан у дарров билинади. Шунинг учун ҳам баландпарвоз, шиорона сўзлардан иборат шеърлар китобхон кўнглига ўтирмайди. Шоирнинг “сўз ичидан ахтаринг” дейиши ўзига ишончдан. Дил тафтини, кўнгил майлларини ижодида самимий ифодалай олишдан деб билмоқ керак.

Сўз қудрати, сўз сеҳри ҳақида не-не ҳикматлар битилмаган. Авестода сўз қасами ҳақида айтилади. Илоҳий китоблар ҳам “Сначала было слова”, “Авалло калом бўлган эди” жумлалари билан бошланади. Булар тангрининг “кун”-“ярал, пайдо бўл” буйруғи асосидадир. “ Сўзда сеҳр, шеърда ҳикмат бор”- ҳадиси бекорга эмас. Сўзда, шеърда илоҳийлик кўрилган. “Шеърлар хатто ойни ҳам кўкдан ерга тушишга мажбур қила олади”

Мумтоз адабиётимизнинг барча улуғ ижодкорлари йирик асарларининг муқаддимасида Аллоҳга ҳамд, пайғамбаримизга наът айтиш баробарида сўз таърифи ҳақида ҳам алоҳида тўхталдилар. Қайси соҳада бўлмасин инсоният тарихида из қолдирган улуғ олимлар тилга, она тили орқали сўзга ҳурмати чексиз бўлган. Сўзда илоҳийлик бўлмаса, сўз шу қадар улуғланмаган бўлурди. Машойихлар сўзни руҳнинг қолипи деб билганлар. Руҳ илоҳдан экан, қолипида илоҳий бўлиши табиий.

Юсуф Хос Ҳожиб ёзилган сўз абадий қолиши, оламни кезишини ёзганида, бир сўзда минг сўзнинг мазмунини жамлашни, “Сўзинг бўлсин кўзсиз гумроҳ учун кўз” бўлишида ўрнида топиб айтилган сўзни назарда тутгани шубҳасиз. Шунингдек Кайковуснинг “Қобуснома”сида: -“Барча хунардин сўз хунари яхшироқдур”- дейилади. Демак шоирларни улуғлаяпти.

Ҳазрат Алишер Навоий сўз ҳақида энг мазмунли фикрларни битган. Биргина “Хамса”нинг ўзида сўз таърифига бир неча боблар бағишланган. Сўз билан инсон ҳайвондан фарқланади.

Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,

Билким, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.

Ҳазрат Навоий сўздан улуғроқ, шарифроқ нарса йўқлигини “билким” дея таъкидлаб уқтираётир. Инсонлигинг сўз туфайли деяётир. Бу ҳамиша

юракда акс садо берадиган буйрукдек ҳар бир авлод қулоғи остида жаранглаб туриши керак.

Яна:

Маъдани инсон гуҳари сўздурур,

Гулшани одам самари сўздурур.

Сўзнинг моҳияти уни англашда. Жалолиддин Румий билан Шамс Табризий соатлаб жим ўтиришар, яъни сўзсиз сўзлашган экан. Сўзсиз сўзлашиш қалб, руҳ камолатидан далолат.

Мана шуларнинг барчасидан хабардор Саъдулла Ҳаким ҳам сўзга беқиёс меҳр билан ёндошади. Шоир лирикаси қанча образларга бой бўлмасин, олдинда сўз образи туради. Унинг лирикасидаги салмоқли образлардан бўлган сўз таърифида: “Кўнгил –сўз ватанидир”, “Сўз кўзга айлангани қандай яхши”, “Сўз қадрланса азиз”, “Сўздан сўз туғилар чақалоқ каби” ва бошқа шу сингари фикрлар Саъдулла Ҳакимнинг сўзга муносабатини кўрсатиб турибди.

“Шоир қалби” шеърида қиз билан сўзни тенг кўриб: “Қизни ёрим дея сийладим, Сўзни орим дея сийладим” –деган шоир ҳамиша сўзига содиқ қолди.

Қанча сўз ёқди дилим бир сўз учун,

Менми бағри минг тилим бир, сўз учун.

Ким сени сўзга кўнгил кўйгил, деди,

Хўб жазо бу сен каби бирсўз учун.

Мана шу тўрт сатрда шоирнинг сўзга бўлган муносабатини жуда яхши ифодаланган. Сўз ўйини, сўзларга қўш маъно юклаш орқали шоир муносабатини изҳор қилаётир. “Сўзлар” шеърида ўзи ҳам шахмат ишқибози бўлган шоир сўзларни шахмат доналарига қиёслайди. Чиройли қиёслардан сўнг шахматда пиёда шоҳи учун ўзини қурбон қилганидек, “шоҳ – юрак юртим, мен бир пиёда” дея кутилмаган хулосани беради. “У сўз билан дилкаш, жонли манзара чизади. Сўз - унинг учун муқаддас, илоҳий бир неъмат, инсон руҳияти, қудрату қувватининг тимсоли, инсон борлиғи, ҳаёт ўзаги!” (Н.Комилов).

Мен ёниб турган бир сўзингман оташ!

Сўзлар ўхшар Ватан фарзандларига...

Ёки:

Неки яралмиш бари

Сўзнинг жисми жонидир.

Сўз чиғаноқ гавҳари,

Кўнгил сўз ватанидир. (“Бола Ботир”)

Бу мисралардаги ички боғлиқликни, мазмуний уйғунликни сезиб турибсиз.

Шоирнинг сўзга бўлган муносабатини акс этдирувчи мисралар тўртликларида, достонларда, устозларга бағишлаган шеърларида ҳам ўз аксини топган. “Ойбек” шеърисида “Сўзга айланган олтин, Олтинга айланган сўз!” деса, Одил Ёкубовга бағишланган “Устоз муҳаррир”да “Қолса бас бир асл сўзи” дея сўзни кадрини оширади. “Сўзни тушуниш”, “Бедилона” каби шеърлари ва бошқа асарларидаги сўзга оид фикрлар, мисралар фикримизни янада мустаҳкамлайди.

Шоир “Сўзни ёнартошдек ёритди ғоя” бунда ўрнида қўллашни назарда тутди. “Сўз” тўртлиги:

Сўз - бу боғда етилган ҳосил,

Ҳар ким олар керагин териб.

Аччиғини ўз ер оқил

Бошқаларга ширинин бериб.

“Афанди” шеърисида юмористик тарзда қорни катта шоир сўзни кўп еб қўйгани, рангпарига сўз етмай қолгани ҳазиламуз айтилиб, бирдан енгил ҳазил аччиқ иддаога айланади:

Дарвоқе, шоир сероб

Ёзар кеча кундизи.

Сўз кўпу қанчасининг

Йўқ биргина ўз сўзи.

Муаллиф бу фикрини айтиш билан тўхтаб қолмайди. Ҳазиломуз бошланган шеър жиддий фикр билан ва ижодкор учун керакли айтим билан якулланади:

Чиндан сўз етмай қолса

Роса қойил бўларди.

Ҳар шоир ўз сўзини

Топса шоир бўларди!

Айниқса ёш ижодкорлар учун, ёки мен ҳам бир нима ёза олман деб калам тебратадиганлар учун бу шеър жуда ўрнаклидир. Ҳар кимнинг ўз сўзи бўлишини шоир бошқа шеърларида ҳам айтиб мисоллар келтиради: “Тун сўзи ой, кундуз сўзи –офтоб” каби. Сўзга муносабатда инсоннинг тийнати кўринади.

Сўз миллат мулки, халқ хотираси. Ана шунинг учун ҳам сўзга, тилга эътибор ҳамиша юқори бўлиши керак. Саъдулла Ҳаким шоир бўлгани учунгина эмас, сўзга муносабат унинг умрининг моҳиятини белгилайди. “Агар шеър ҳаётнинг руҳи ва халқларнинг девони бўлса, шоирлар ушбу руҳни ҳаракатга келтирувчи юрак уришини ва ушбу девоннинг манзилидир. Сўзларга ҳаёт руҳини киргизувчилардир, уларнинг қўлларида ожиз, ўлик сўзлар ёрқин маъноли, ҳаёт ва даҳолик барқ уриб турган сўзларга айланади. Айтиш мумкинки, ҳақиқатда шоирлар маъно даҳоларидир” (Маъди Муҳаммад Мурси.”Шарқ юлдузи” 2005. №1. 140 бет)

Сўзни мана шундай “барқ уриб” турганга айлантириш учун шоирда аввало сўзга жуда катта меҳр бўлиб, унинг тароватини ҳис қилиши керак. Саъдулла Ҳакимнинг сўз ҳақида битганларидан ва амалида ҳам буни кўрамыз.

Саъдулла Ҳаким айрим шеърларида фикрдан фикрга, мавзудан мавзуга силлиқ кўчиш бор. “Эртакда юзма-юз келар ботирлар” шеърисида:

Эртакда юзма-юз келар ботирлар,

Гирром йўқ, макр ёт, ғолиб йиқитар.

Ҳаётда шайтондан ўзар шотирлар

Бир-бирин орқадан чалиб йиқитар.

Шеърдаги яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш, айрим кимсаларда учраб турадиган иллатлар ҳақида сўз кетар экан, шоир сўнгги бандда кутилмаганда ўзининг сўзга муносабатини ошкор қилади:

Саъдулло, умрингни сўз учун тикдинг,

Сўз сени енгдию сен сўзни йиқдинг.

Не-не алплар ўтган майдонга чиқдинг,

Йиқса ҳам бир сўзи зариф йиқитар!

Шеърнинг иккинчи мисрасига эътибор қилсак, шоир сўзга муносабатда фирром, мақр бўлиш керакмаслигини шеър бошида бергану охирида хулосасида очиқлаган деган хулосага келасиз. Муҳими ички мантиқий боғлиқлик бор фикрий тизимда.

“Саъдулла Ҳаким ўзига хос овозга, ўз созига эга шоир – ёзади проессор Нажмиддин Комилов. Хўш бу нимада кўринади? Бу энг аввало туйғу кечинмалар тасвиридаги оригинал, тоза ва бетакрор ифодада намоён бўлади. У сўз билан дилкаш, жонли манзара чизади. Сўз – унинг учун муқаддас, илоҳий бир неъмат, инсон руҳияти, қудрату қувватининг тимсоли, инсон борлиғи, ҳаёт ўзаги!” Охирги ёзган шеърларидан бири “Озод сўз” ҳам шоирнинг умри давомида сўзга катта эътибор берганининг исботи. Айрим бандларини мисол қилиб келтирамиз:

Шоир забонидан топдилар сени,

Оёқ-қўлларингни чопдилар сени,

Устинга муз тупроқ ёпдилар сени,

Садо бер, қайдасан қамоқдаги сўз?

Навоий даҳоси зиёсин сочди,

Чўлпон сени суюб кўкайин очди.

Сен уни тарк этиб, қайларга қочдинг,

Садо бер, қайдасан қамоқдаги сўз?

Сўзни камайдилар ёлғони борлар,
Қонида фотихлик қони борлар,
Тўралар, ғўралар, аҳли киборлар,
Садо бер, қайдасан қамоқдаги сўз?

Токи сен озодсан, йўллар озоддир,
Токи сен озодсан, тиллар озоддир,
Токи сен озодсан, эллар озоддир,
Эллардан тойиниб кетма, озод сўз!

Саъдулла Ҳаким бадий маҳорати асарларидаги образлар турфа хиллигида ҳам кўринади. Шоир дарахт, садақайрағоч, тут, туман, райҳон, олча, ой, юлдуз, тун, шамол, ёмғир, гул, киприк, най тимсолларини моҳирона яратиб, шеърлари кўркамлигини оширган. Айниқса дарахт ва шамол тимсолларига тез –тез мурожаат қилади. Бу бежиз эмас. Бу образларнинг барчаси шоирнинг эстетик оламини очишга, дунёрашини, айтмоқчи бўлган фикрларини тиниқроқ чиқишига хизмат қилади.

Иккимизнинг дардимиз бир, олчажон,

Она-замин дардмиздир, олчажон.

Шоир мана шундай табиат билан “Мулоқот” қилишни яхши кўради. Яхшилиқни байроқ қилиб яшашни ҳузур билган шоир табиатдан ўзига фикрдошлар излайди:

Деразанга бўлиб панжара

Қўриқлайди уйқунгни дарахт.

Ёки:

Чўмилади дарахтлар яйраб,

Сочларини ёйиб гўё қиз.

Шоир шеърларидаги ҳар бир дарахтнинг ўз ўрни айтар сўзи бордек.

Тўкилмоқда олча барглари,

Ёмғир

Туман каби қуйилар.

Бўш қўлларин чўзиб

Кекса тут,

Йўлчи кузга илтижо қилар:

-Тўхта,

Ташлаб кетма бешафқат!

Орзум эди ҳар яшил япроқ,

Тирик туриб азобдир, фақат

Хотиралар билан яшамоқ!

“Кекса тут”

Табиат ҳам, севги хижрон ҳам тасвирланган бу шеърдаги фалсафий хулосага келганини қаранг. Саъдулла Ҳаким ижодидаги қутилмаган хулоса бериш ва шеърни хитоб билан тугалланишига яхши мисол бу шеър. Шоир шеърларида энг кўп учрайдиган дарахт тутдир.

Гавҳар бериб онам каби

боққан тут,

Ёнингдаман. Ёдингдами

ҳар мавруд

Иккингиз тенг йўлим пойлар

эдингиз,

Қучоқ очиб кутиб олар

эдингиз.

Яна “Боғ сайли” тўртлигини кўринг:

Тут ҳам боғ сайлига зебо чиқибди,

Ўзига ярашиқ чиройи тугма.

Ҳар япроқ гавҳардан сирға тақибди,

Ҳар бир шох садафдан қадабди тугма.

Тут мевасини садафга ўхшатиш яхши топилма ва маҳаллий колорит бор. Тут дарахти дунёнинг кўп мамлакатларида ўсиши мумкин. Лекин ўзбек шоиригина унга “садафдан тугма қадайд”

Муҳаммад Юсуфнинг лолақизғалдоғидек Саъдулла Ҳакимнинг тути ҳам шоир номига рамз бўлиб қолиши мумкин.

Ёки “Йўл” образини олинг:

Йўл дедик: “Юрган етар

Тилакка,

Энди кўнгил кўйма мендан

Бўлакка.

Боқ, бағримда онажонинг

Изи бор,

Ҳар изнинг ўз тарихи, ўз

Сўзи бор.

Сув образи ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Сувдан садо келди: “Мени

тўйиб ич,

Ёшлиқдаги каби бошинг

кўйиб ич.

Кўлларини ўпиб –ўпиб

оққанман,

Онанг билан бирга сени

боққанман.

Тупроқ айтди: “Ҳар қадаминг

ўйлаб бос,

Онанг менинг бағримдадир

умрбод!”

Шоир образларни ҳаётдан олади. Мавҳум нарсаларнида образга айлантиради. Бу жиҳатдан “Бекатлар” шеъри характерли. Ўқдай учиб бораётган ҳаёт поездида бекатлар сероб. Ғийбат бекати, Севги, Армон, Имкон, Бўхтон, Мол-дунё бекатлари бор. поезда Кузатувчи ҳам бор. Ҳар ким ўзига керак бекатда тушиб қолади. Бу билан шоир ҳаёт турфалигини, инсонни тасвирламай инсонни кўрсатаётир. Фақат унинг ўтинчи “Виждон бекатидан кетмайин ўтиб!” деган илтижосида мужассам. Қани энди азиз одамлар Виждон бекатидан ўтиб кетмасайди деган ўй кечади хаёлингиздан. Бунинг ўзи шеърнинг кучидир.

Саъдулла Ҳаким ижодида тез –тез учрайдиган образлар билан биргаликда бир-икки бор учрайдиганлари ҳам бор. Асосийси шоир ҳар бир топган образининг мантиғига мос бадий юк билан акс этдиради. Шоир шеърларида шева сўзларидан ҳам усталик билан фойдаланади. Ойбеткай –ой нури тушуб турган, Якон узум осадиган жой, қайтагон - қайтишни одат қилиб олган, чалқиб бепарво бўлиб, эрганак, чуйкад, чағот ва айни пайтда янги сўзларни қўллайди. Ҳавоқуш – самолёт.

Шоирнинг шеърлари ичида она мавзусида анча-мунча шеърлар бор. “Онажон”, “Дийдор”, “Онажоним”, “Онам”, “Мендан нима боламга қолар”, “Дуо” ва бошқа шу мавзудаги шеърларида фарзандининг онага бўлган меҳр муҳаббати ифодаланар экан, шоир кўпроқ буни онанинг ҳатти ҳаракатлари орқали кўрсатишга ҳаракат қилади. Қишлоқда уйдан узокдаги фарзандини соғинаётган онани тасаввур қилинг. У дам –бадам йўл чиқиб қарайди, тансиқроқ овқат еса болам нима еяётган экан дея ўйлайди ва ҳаказо.

Кучоқ очар таниш дарвоза,
Пешвоз чиқар югуриб онам:
“Соғинтириб қўйдинг-ку тоза,
Эсонмисан, соғмисан болам?”
Тўрга мени ўтқазиб, ўзи
Чой узатар пойгоҳда туриб.

Бу ҳолатни узоқ қишлоқдан келиб Тошкентда ўқиган ҳар бир талаба бошидан кечирган десам муболаға бўлмас.

Оналар ҳақида кўп ёзилган ёзилади ҳам. Бу адабиётимиздаги абадий мавзулардан. Лекин ҳар бир шоир бунга ўзича ёндошишга, ўз онасини тасаввур қилиб ёзишга интилади. Саъдулла Ҳаким шеърларидаги она образи фарзанд учун “Ҳатто чўғни кафтида сақлайдиган” она образидир. Шоир “Ўзим ўзимга ёв бўлиб соғиндим” деганида онасининг тез-тез йўқлолмаётган фарзанднинг ўз ўзини ёмон кўриб кетишини сезиш мумкин. “Она ўлмай қардир фарзанд қулоғи” нақадар топиб айтилган. Қани ким онамни хизматини тўлиқ қилолдим дейди. Ота –она ҳаётлигида фарзандларда бўладиган бепарволик, ота –онаси ҳамиша тирик юрадигандек ўйлаши кимларга армон бўлмаган. Саъдулла Ҳаким Онаси Салоят Шукур қизи хотирасига бағишланган шеърда катта ёшида онасини йўқотганлар шунча қийналаркан “Ёш етимлар нетар экан дунёда?” ўз ўзига савол бериш билан онанинг тенгсиз қадрини кўрсатади. Ёки:

Соғ саломат кимнинг бошда онаси,
Онасининг ҳолин сезмас танаси.
Онасининг дўппи тушмас бошидан,
Онасининг тошлар чиқар ошидан.

мисраларини битадик, бу она шаънига самимий мадҳиядир. Саъдулла Ҳаким шеърларидаги она образидан сиз ўзбек аёлининг, ўзбек онасининг тимсоли туясиз. Қишлоқда боласини соғинган онанинг руҳий дунёсини, кўнглидан кечганларини ҳис қиласиз. Адабиёт тарбия воситаси экан она ҳақидаги шеърларнинг эстетик қиммати ҳамиша баланд бўлади. Айниқса, ёшларимиз ўртасида ғарбча дунёқарашга оғиб кетаётганлар бор экан, ватан, она, инсонийлик, меҳр-муҳаббат ҳақидаги яхши шеърлар руҳиятимиз

тарбияси учун зарур бўлаверади. Шоир бевосита ҳам, билвосита ҳам она образини чизганини кўрсатади бу.

Саъдулла Ҳаким асарларида бадиий маҳорат тўғрисида сўз юритганда, фақатгина ўхшатиш, қиёс, муболаға, тимсоллар ранг - баранглиги ва бошқа бадиий санъатларгина эмас, шеърда, насрда композиция қуриш, шакл ва мазмун мутаносиблиги пухталигини ҳам таъкидлаш керак. Шоир битикларини ўқиркансиз муаллиф бадиийлик адабиётнинг савиясини белгиловчи асосий ўлчовлигини унитмаганини сезасиз.

Муҳаббат таронаси

Севги, висол, айрилиқ, соғинч, хижрон ҳақида ёзмаган шоир бўлмаса керак. Инсон кўнглидаги энг соҳир туйғулар, одамнинг одамлигини кўрсатадиган муҳаббат ҳамиша ижодкорнинг қалбини жунбушга келтирган. Ёниб куйлаган, фиғони кўкка етган. Ғазал жанрининг аёлга муҳаббатдан пайдо бўлгани бекоргамас. Илк муҳаббатнинг тотли онлари, висол сархушлиги, хижрон азоби ҳақидаги шеърлар жаҳон адабиётида энг кўп ёзилган шеърлар десак адашмаймиз.

Саъдулла Ҳаким ижодида ҳам бу кўҳна мавзуга оид яхши шеърлар кўп. Шоир дил тўлғамларини тўлғаниб шеърга солади, кўнглида борини ҳаяжон билан изҳори дил қилади.

Ногоҳ сенга дуч келган кундан
Бағрим кундуз каби ёришиб,
Ҳақиқат ҳам, кундуз ҳам, тун ҳам
Ва ёлғон ҳам кетди қоришиб.

Илк муҳаббатнинг туйғуларни қориштириб, фикрларни чалкаштириб юборадиган ҳолатининг самимий тасвири. Бу ҳолат ҳақида кимлар ёзмаган дейсиз. “Болаликда” шеърида ёшлигини эслаб хаёл суришидаги энтикиш Саъдулла Ҳаким ишқий лирикасининг ўқ илдизини тутди. “Мақтабда муҳаббат” мавзусига қандай қарайсиз” – саволига Саъдулла ака шундай жавоб қилган экан: “Муҳаббатнинг энг жўн таърифи –бу ёқтириш. Кўнгилга яқин олиш. Муҳаббатнинг болалик кўзойнаги бор. У беғубор, таъма ва ғараздан холи. Шундай экан, боблалар бир –бирларини ёқтиришларининг ҳеч қандай ёмон жойи йўқ. Ҳаётда нимагадир кўнгил қўйган одамдан ёмонлик чиқмайди”. Назаримда таъмасиз муҳаббат шоирнинг орзусига айланган. Ишқ муҳаббат ҳақида ёзмаган шоир шоирми. Зотан шеъриятнинг ўзи муҳаббатдан туғилади дейишадику. Саъдулла Ҳаким севги лирикасининг бошида “Илтижо” туради менимча. Шоир муҳаббат лирикасининг илк шеърларидан бўлган бу шеърда шундай мисралар бор:

Муҳаббат, ханжар эсанг,

Кўксимга санчил.

Чаманзор бўлсин бағрим

Қип-қизил, сархил.

Мана шундай муҳаббатдан кўнгилни чаманзор қилишни истаган шоир, бир умр ўз сўзларига содиқ қолади. Илло муҳаббатнинг қони ҳам , ҳижрон азоби ҳам кўнгил учун безакдир.

“Кўзлар” шеъридаги таърифга қаранг:

Мўъжизалар йўқтир дунёда,

Мўъжизакор кўзлар бор холос!

Ёрнинг сочининг таърифи ҳам кўзлари таърифидан қолишмайди:

Сочларингдек, ёр

дунё соч кўрмаган,

Шабогун бу, шабогун бу, шабогун.

Кун - кўзинг қизганиб

чирмаб ўраган

Қаро тун бу, қаро тун бу, қаро тун.

Сўзлар такрори билан маъно қуюқлаштирилган бу мисраларда ёр сочини тасвири билан чекланмаяпти, ундаги рашк, қизганчиқликни ҳам ифодаляпти. Бу таърифу тасвирлар қалбдаги муҳаббат меваларидир.

Шоир муҳаббат лирикасида ортикча мақтанишдан қочади. Қўлидан келмайдиган ишни айтишдан ўзини тияди. “Қўшиқ” шеъридаги “Кумушбиби, сизни севиб қолдим мен” мисралиридагидек мурожаат бўладими ёки бошқача ҳолатдами шоир лирик қаҳрамони фақат эплай оладиган ишини айтади. Қўлидан келадиган, келмайдиган ишни бирдек тан олади. Кумишбибини ардоқлаш , бахтли қилиш қўлидан келмайди, аммо ундан “дил узиб кета олмай”ди ҳам. Лирик қаҳрамондаги мана шу самимият ўқувчига ёқимли юқади. Шоир бу шеърни кейинчалик яна давом этдириб “Зайнаб”, “Истак” қисмларини қўшиб “Ўтган кунлар” ҳақида уч шеър”га айлантиради.

Инсон ожиз жаҳонгир рашк қошида,
Уммон нима дил тўккан ашк қошида,
Ким қизганмас ишқни Зайнаб ёшида,
Сен ҳам Зайнаб ўз элимнинг қизисан.

Одатда биз Зайнабни қоралашга кўникиб қолганмиз. Аммо шоир уни аёллигини, унда ҳам қалб борлигини тушуниб тасвирлагани кўриниб турибди.

Шеърнинг хулосаловчи учинчи қисмида ўртаниб, ишқдан минг бўлак бўлган лирик қаҳрамон:

Мен ўзи аслида нетмоқчи эдим?
Бир оғиз сўзимни айтмоқчи эдим.
У жуда ўхшарди Кумушбибига,
Мен “Ўтган кунлар”га қайтмоқчи эдим.

“Ўтган кунлар”га қайтиш пок муҳаббатга қайтишми ёки китобдаги қаҳрамонлар севгисидек севги орзу қилишми, буни энди китобхон савиясидан, туйғусаллигидан келиб чиқиб тушуниб олаверади.

Яна бир боқишда севиб қолушу, бўз йигитнинг илк кўзлар учрашуви жозибасидан қай ҳолатга тушгани:

Бу қандай рўй берди,
Қай лаҳза,
У нима сўз эди бир оғиз?
Юрагимда чакнади ларза,
Тойиб кетди оёғимдан из.

Қайтиб келар оёғимга ер,
“Мен севаман!” десанг бўлгани!

Оёқдан изнинг тойиши гўзал топилма. Ердан оёғим узилди демаяпти, “қайтиб келар оёғимга ер”- шуурнинг, ҳолатнинг шоирона берилиши. Шоир

кўпгина шеърларини мана шундай хитоб билан тугатади. Шеърни қандай яқунлашда ҳам маъно кўп. Ундов билан, хитоб билан яқунлаш шеърдаги ҳароратдан далолат.

Ёрнинг кўзи нурлиги, сочини тунга қиёслаш адабиётда кўп учрайдиган ташбеҳлардан. Аммо Саъдулла Ҳаким шоир сифатида шу анъани ўзига хос тарзда гўзал ривожлантиради. Оригинал муболағаларда ёр сифатларини беради:

Зулфинг шу қадар қаро:

Кечалар кўча кезсанг,

Ёришиб кетади тун.

Кўзинг шу қадар ёруғ:

Кундузи кўча кезсанг,

Шамдек хира тортар Кун...

Куннинг бош ҳарфда ёзилганига алоҳида эътибор қилинг. Ҳам вақт, ҳам шахслантириш бор.

Бир боқишидан дили “минг шамга” тўлган “Сенсан севарим” шеърдаги ошиқ ҳолати тасвири:

Қаён боқсам, юзинг кўзимга келгай,

Лабиб очсам, номинг сўзимга келгай,

Танимга жон, ҳушим ўзимга келгай,

Севарим сен ўзинг, сенсан севарим.

Шоирнинг “Ошиқона”, “Сизни эсласам”, “Сени севишимни...”, “Муҳаббат”, “Гул барги”, “Оддий такқос”, “Муҳаббат математикаси” каби шеърларида ҳам “Дили дилин эта олса жалб, Икки вужуд бўлажак бир қалб” тарзида лирик қаҳрамоннинг инжа туйғулари нозик тасвирланади.

Саъдулла Ҳакимнинг ишқий лирикаси аксарият ихчам шеърлардан иборат. Узундан узоқ оҳ- воҳлар йўқ. Аммо мана шу қисқа сатрларда ёниш бор, олов бор, дил рози бор.

Сени севишимни шамолга айтдим,
Шамол дарахтларга етказди уни,
Яланғоч шохларда куртаклар бўртди.

Сенга хоҳишимни сувларга айтдим,
Сувлар гулбоғларга етказди уни,
Гуллар уялибми, қизариб кетди...

“Сени севишимни...”

Мана бу сатрлардаги миллийликка эътибор берайлик. Ошиқ севгисидан жар солаётгани йўқ. Бирор ўртоғига ҳам айтмаяпти. Шамолга, сувларга айтяпти. Унинг севгиси шу қадар кучлики, юрагини очмаса туролмайти. Дардини она табиатга сочди. О бу севги кудратидан “Яланғоч шохларда куртаклар бўртди”. Севгининг яратиш кудрати, “Гуллар уялибми, қизариб кетди” айни пайтда ўзбекнинг йигитидир қизидир ҳаё бор. Изҳори дил эшитганда қайси ўзбек қизи қизармаган (айниқса илгари).

Севгининг изтиробларидан бири кутишдир. Кутишнинг гўзаллиги “Яна келар сен кутган баҳор” шеърида жуда навозишла берилган. “Юрак ранглари”, “Кузатади сени ҳар саҳар”, “Бу қандай рўй берди...”, “Ҳатто яқин дугонангга ҳам” каби шеърлар ҳам Саъдулла Ҳаким севги лирикасининг яхши намуналаридир.

Шоир ёр кўнглини “Сен кўнглингни очганинг сари, Туюлади яна сирлироқ” дея унинг кўнгил оламига ҳайратомуз боқаркан, “Ақлим кирмоғига макон топилмас” дея ошиқ ҳолини, ишқ не куйларга солишини беради. “Муҳаббат” шеърдан:

Йўлбарсининг кўйнида ухлагим келар,

Кийикнинг қулоғин тишлагим келар.

Васлинг оташида куйиб кул бўлиб,

Ҳажринг аёзида қишлагим келар.

Муҳаббатнинг ҳижрони бўлиши табиий. Ошиқ учун ҳижрон ҳам ширин. Ҳижронда соғинч тотди бор, соғинчнинг ўз роҳати борда ахир. Йўлбарсдек паҳлавон йигит, кийикдек нозик гўзалнинг қулоғини тишлагиси келганида

урф одатларимиз акс этган, халқда ёшлигидан унашиб қўйилганни кулоғини тишлаб қўйган дейди. У ёрини банд қилиб, унга етишишига кўнгли тўқ бўлса, кейин тўйгача қанча бўлсада кутишга рози ошиқ. Бу ерда ўсмирликдан бир –бирига кўнгил қўйиб, вояга етишини кутаётган қалб ҳарорати бор.

Саъдулла Ҳакимдаги сўзни товлантириш маҳорати севги лирикасида айниқса яққол кўринган. “Муносибга муносиб гар муносиб” мисралари билан бошланувчи шеър бунинг муносиб мисоли. Саъдулла ака бир сатрда бир сўзни учта маъносини кўрсатиб жилолантирган. Севганига дардини айтиш билан умидини ҳам узмайди:

Эҳтимол менинг бу ҳасратим

Сизга бир эрмакдек туюлар.

Ёнганни тушунар ёнса ким,

Ким севса бир куни севилар!

Ҳақиқий севги, ҳурмат, меҳр ўзга қалбда ҳам акс садо бериши, муҳаббатдан муҳаббат туғилишига ишонч бу.

Муҳаббат инсонни поклаши “Умр ўтар”да шундай берилади:

Чин ошиқлар айланар қатра дурга,

Тун ва кундек бир-бирини қуча-қуча.

Ошиқнинг фидойилиги, шарқона муболаға билан “Ибодат” шеърида ифодаланган:

Кўнглим куйиб кўнгил берганим аён,

Эл ичра овоза бўлайин бўлсам.

Бошим остонга қўйиб берай жон,

Исмингни ҳижжалаб ўлайин ўлсам!

Шоир лирик қаҳрамонни севгилисини тавсифини жуда келтириб таърифлаш билан бирга шундай олқайдик бунда мактов билан ният уйғунлашиб кетади:

Эй, инжа, мурча миён,
Ол ёноқ ғунча даҳан,
Севайин ўлгунча ман,
Тур жаҳон тургунча сан,
Жамолингга оройиш,
Камолингга кушойиш.

Севган севилганларга кушойиш тилаш ҳақиқий марднинг ишидир.

Саъдулла Ҳакимнинг муҳаббат лирикасида ортиқча тафсилот, яланғочлик йўқ. Унинг лирик шеърларини ўқиганингизда муҳаббатни майинлик билан куйлашини сезасиз. Айтаётганлари самимий бўлгани учун ўқувчининида ишонтиради ва кўнглида шоир туйғуларига ҳамоҳанглик уйғотади. Қуюқ бадий бўёқлардан дили нурланади.

Мисралар зимнидаги ҳикматлар

Ҳазрат Жалолиддин Румий “Маснавийи маънавий”нинг учинчи китоби бошламасида илму ҳикмат ҳақида қуйидагиларни айтади: “Илму ҳикматлар Аллоҳ лашкаридир. Тангри таоло улар воситаси ила муридлар жонига қувват бағишлар, билимларини билимсизлик, адолатларини зулм ғуборидан тозалар, жўмардликларини риёкорлик, ҳилмларини ақлсизлик балосидан фориғ, мусаффо айлар...”. (Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий. “Фан” нашриёти. Тошкент 2002. 4-бет). Илм, ҳикмат яхшикка етаклаши ҳақида хўп топиб айтилган. Бундан ортиғини келтириш мушкул. Шунинг учундирки ҳар бир зиёлининг ҳикматга мойил бўлиши, ҳикматли сўзларнинг асрлар оша халқ дилида, тилида яшаши, оғиздан оғизга ўтиши. Яхши , ҳикматли фикрлар кўнгилга келганда уни ўртоқлашишнинг ўзининг ҳикмати бор.

Саъдулла Ҳаким ижодининг бошланишидаёқ ҳикматга мойиллигини сезиш мумкин. “Қатраларда жонланган дунё” туркумида бу яққолроқ сезилади:

- Оҳангларинг мунглар наҳрими
Най, бунчалар маъюссан нега?
- Айтолмаган ҳасратларини
Сўзлашади одамлар менга!

Саъдулла Ҳакимдаги ўқувчини ўзига ром қиладиган ҳижатлардан бири кўнглидаги ҳисларни ҳикматга ўраб айтишдир. У муаллим ҳақида ёзадими, талмиҳ санъатини қўллаб ўқигани бадий асар қаҳрамонларини ёдга оладими бу нарса доимо сезилиб туради. Саъдулла Ҳакимнинг “Тажнис” ва “Кўзмунчоқ” туркум тўртликлари унинг ҳикматга йўғрилган, маъно куюқлигини кўрсатувчи энг яхши шеърларидир десак хато бўлмас. “Шоҳи жон” мисралари:

Тола қочса чийирдан

қил арқон ҳам узилгай,

Қуроқ сўзлар қовушса

минг бир ҳикмат тузилгай.

Осмонлигим, шоҳи жон,

сенинг заминлигингдан,

Дур бўлса ҳам тақинчоқ

оддий ипга чизилгай!

“Боболар ўғити” шеъридаги “Одам мағлуб этар одамни, тушун, Инсон раҳнамодир инсонга фақат”

“Тартиб ҳақида шеър”даги қуйидаги сатрлар:

Тартибсизлик- бу табиий тартиб,

Тартиб – бу табиий тартибсизлик.

“Бегона” шеърида эр –хотин бир –бирини тушунмай бегона бўлиб қолгани таъсирли тасвирланади.

Шоирда устозлардан ўрганганини амалда уларга ўхшатиб айтишга интилиш ҳоллари ҳам сезилади. “Абдулла Ориповга ўхшатма” шеър ана шундай шеърларидан:

Аҳли эҳтиёж мудом

Эр ҳимматидин шариф.

Тўғрилиги учун ҳам

Игнага эргашар ип.

Зеро ҳақиқат абад

Ҳаракатда билинур.

Бағри қора... шу сабаб

Булутдан қочар ёмғир!

Шоир ҳикматларни табиатни кузатишдан олади. Шоирнинг шоирлиги ҳам бошқаларнинг кўра олмаганини кўра олишда, сезмаганини сеза олишда, мантиқий хулосалай билишидадир. “Дарахт”га қараб: “Кулганида қийғос

кулади дарахт, Дарахт ўлганда ҳам тик туриб ўлар” дея шоиргина айта олади. “Гул”га қараб:

Табиатнинг ҳикмати гул,

Ҳаётимнинг ҳикматидир:

Гулларингни яширмагил,

Илдизингни сақла сир!

Табиатдан шоиргина шундай фикрга кела олади.

“Яшашдан мурад не, қотди бу бошим”, “Яхши ном”, “Мангу хижрон навоси”, “Дарёнинг икки юзи”, “Ўкинч”, “Ошкораликни тушуниш”, “Абадий савол”, “Бир ҳикмат”, “Ер тафти”, “Жаннат”, “Тафаккур” (рўйхатни анча давом этдириш мумкин) каби шеърлари ҳам фалсафий маъзи тўқ шеърларди.

“Дарёнинг икки юзи” тўртлигидаги хулосани қаранг:

Кўш қирғоқ бир даёдан

Сув ичса ҳам

Дарёнинг икки юз

Бошқа-бошқа!

Шоирнинг “Кўзмунчоқ” туркумидаги “Ростгўйлик” тўртлиги Саъдулла Ҳакимнинг фикрга, ҳикматга бўлган муносабатини яхши ифодалаган:

Ростгўйнинг душмани

кўпдир ҳамиша,

Қасдига тушгани кўпдир

ҳамиша.

Боғбонга “Бекангиз сулув”

деб эдим

Боғдан қува солди қўлида

Теша...

Шоирнинг “Иккинчи ҳаёт” шеърдан:

...Мен шамдек ёнаман. То экан тирик

Қўлларимнинг тили –

сайроқи қалам,

Истайманки, бўлсин ҳар битта шеърим

Иккинчи ҳаётга

қўйилган қадам.

Шоир иккинчи ҳаёт деб ўзидан яхши ном қолдирганларни, ҳаётда ўчмас изи борлар номини авлодлар эслаб юришини назарда тутди. Ўзи ҳам иккинчи ҳаёти шеърлари бўлиши жуда истайди ва шундай бўлади ҳам деб умид қиламиз.

“Тилсиз балиқ”даги кутилмаган хулоса ҳам мантиқий ўрнини топган:

Ногоҳ айтиб қўйсак ножўя бир гап,

“Тилингни тий!” дея беришар адаб.

Бу-ку, майли, лекин тилсиз балиқ ҳам

Қармоққа оғзидан илинар, ажаб!

“Янги сўзим”даги икки қаршилантиришга назар солинг:

Умр асли нима ўзи,

Янги ва эски ораси.

Нурга чайилган бир юзи,

Бир юзида тун қораси.

“Кўзмунчок”туркумидаги ҳар бир тўртлик шоирнинг ўзи айтганидек “Эл кезиб топганим бу, элимга хос” ҳикматларни шеърга солади. Шоир кўрган – билганларидан ўзича хулосалар қилади, кўнглига ўтирган, китобхонгада айтиш мумкин деб билган фикрларини тафаккур қайроғида чархлаб шеър битади. Абдулла Орипов “Кўҳна нақллар” китоби ҳақида фикр юритиб шундай ёзганди: “Ҳар қандай фикрни, ҳар қандай ғояни, ташбехни уддасидан чиқиб айта олиш, тасвирлай билиш санъаткорнинг энг муҳим хусусиятидир. Йўқса, ҳар қандай кучли фикр ҳам оддий илмий ахборотга айланиб қолиши

хеч гап эмас. Шоир шеърларини мутолаа қила туриб, янги-янги рангларга, куйма фикрларга дуч келасиз. Бетакрорлик, топқирлик, теран фикр эътиборингизни тортади. Булар, албатта, ижодкорнинг бой ички дунёсидан, нозик туйғулар эгаси эканидан, маҳоратидан далолат беради. Шоир шеъриятидаги муҳим жиҳатлардан яна бири, уларда воқеабандлик, ўзига хос руҳий сюжет мавжудлигидир”. Устоз Абдулла ака айтгандек Саъдулла Ҳаким ижодидаги теранлик, ҳикматга мойилликнинг, доноликка эшликнинг натижаси бўлса ажаб эмас. Саъдулла Ҳакимнинг шеърлари бағридаги ҳикматлар ҳақида узоқ гапириш, ёзиш мумкин. Биз шоирнинг ҳикматомуз шеърларини барчасини таҳлил қилиш ёки санаб ўтишдан тийилган ҳолда, унинг энг ҳикматга тўлиқ шеърларидан намуналар келтириш билан кифояландик. Томчида қуёш акс этганидек шунинг ўзи ҳам Саъдулла Ҳаким шеърларинг мазмунан маҳзи тўқлигини тиниқ кўрсатиб турибди.

Саъдулла Ҳаким достонлари

Достон шеъриятнинг гултожи. Шоир маълум ижодий тажриба орттиргач достон жанрига қўл уради. Шоирда аввало достонга мос айтадиган фикр, асарга қўядиган бадиий юк бўлиши керак.

Саъдулла Ҳаким достонга қўл уришдан олдин, йирик воқеабанд шеърлар, балладалар ёзиб қаламини чархлаб борди. Масалан “Ўн олтинчи йил ҳақида баллада”сида шоирнинг лириканинг турли жанрларида қалам суриш иқтидори борлигини кўрамиз.

Саъдулла Ҳакимнинг илк достонларидан бўлган “Олис юлдуз” достонига Гегелдан эпиграф (кириш сўз) олиниб “Созга ташна, меҳри чашма яхшилар”га саломдан сўнг халқона йўлда ёзилагн мурожаат билан бошланади:

Эр йигитнинг қаноти бўз отдир, ҳей,

Чавандозга четда ётмоқ ётдир, ҳей,

Дўмбирамнинг тори таранг тортди, ҳей,

Қулоқ тутинг дўмбирамнинг ториға.

“Дўмбирамнинг тори таранг тортди, ҳей” шоирнинг достон ёзишга руҳан етилгани, ёзмаса туrolмаслигидан далолат. Мана энди китобхон шоир созиға кулоқ тутади. Достон тарихий мавзуда бўлиб Тўмариснинг ўғли – “Чўзинчок юз, бургут кўз, найзадаст Сипарангиз” ёв – Кайхисравға (асл исми Кир бўлган форс шоҳи достонда Кайхисрав деб берилган) қарши жангга от қўйгани билан бошланади. Ёвнинг бир қисмини енгган Сипарангиз асир тушган форс навқари Ахсамарнинг сўзига ишониб дам олишға - майхўрликка рухсат беради. Унинг қайниси Атан Навқарбошининг май ичмаганидан шубҳаланадию, лекин касалман деган ёлғонига, шодлик кунлари олов ёқиш

керак деган алдовига учади. Чунки Атан “Боболарни унитган эрлар, дастаси йўқ ханжардир, зотан” деб ўйлайдиган софдил йигитлардан эди.

Бобо куёш мағрибга мойил,

Ўт-ўланлар ғимирлаб қолди.

Саксовуллар сояларини

Судраб пана томонга олди.

Мана шу табиат тасвирида бўладиган воқеаларга Сипарангизнинг ҳийла билан қўлга тушушига ишора бордек.

Достонда Сипарангизнинг қандай инсонлиги унинг ўз сўзлари билан очиб берилади:

Кайхисрав сенлаган Сипарангизга қарата:

Бизда соҳибдорони

“Сен” демак жинойтдир.

Сипарангиз:

Бизда кўнгли қорани

“Сен” демак диёнатдир

Ёки Кайхисравнинг Сипарангизга “Ботир йигит экансан, Саркардам бўл, қўй ихлос!” деганида Сипарангиз истехзо билан шундай жавоб қилади:

Афсус, зарбоф тўнинг шох,

Тор келади эгнимга.

Этмагайман хиёнат

Оқ сут берган элимга!

Достонда шоир қаҳрамонлар тилидан ўз мушоҳадаларини чиройли беради:

Йўқ тушунмас, тушуна олмас

Туйғуларнинг тилига инсон.

У имконлар ахтараверар,

Қарирверар ўздаги имкон...

Нажот истаб яшайверар у,
Нажот унинг қалбида яшар.

Мана шу тушунмаслик, бу ерда Сипарангизнинг Навкарбоши ичидан кечаётган айёрона, маъшум ўйларини тушунмагани бошига офат келтиради. Шу ерда муаллиф Навкарбошига атайлаб исм бермандек. Бу шум инсонларнинг, айёрликниг умумий тимсолидек бўлиб кўринади.

Достондаги ички монолог тарзида берилган Сипарангизнинг сўнгги ўйлари тарихий шахс тилидан бугунги инсонларга айтилаётгандек янграйди:

Инсон табиатан маишатга кул,

Бунинг соз давоси экан бул шароб.

Ва лекин кўрқаман, дўстларим, бир кун

Ул бани инсонни айлар деб хароб.

Беқадр бўлмангиз сафо қошида,

Ул гўё чўлдаги бекарам сароб.

Асирликни номус деб билган Сипарангиз кўксига ханжар уриб ўзини ўлдиради.

Қалқиб кетди Сипарангиз,

Вужудини бости тер,

Қалқиб кетди тепаликлар

Титраб кетди Она –Ер.

Чўл шамоли уввос солиб

Бутоқларга урди бош,

Сипарангиз кўзларида

Абадий ботди қуёш...

Бундай мардлик золим Кайхисравнинг ҳам ҳавасини келтиради. Мардлик ҳамиша қадрланишини уқтиради шоир.

Асардаги Чароғбон образи ҳам эса қоларли чиққан. Ундаги иккиланишлар, охири хийлакор Навқарбошини ўлдириб ўзи ҳам ҳалок бўлиши китобхонни ишонтиради.

Достонда наинки инсонлар туйғулар диалоги ҳам берилади. Мақр ва ҳақиқат диалоги ана шундай айтишувдан. Мақр ёмон одамдек йўлдан уриши, ҳақиқат олижаноб инсондек ёмонликни унитиш, саботгина мақсадга етказишини уқтиради.

Достондаги “Юртим деган юртдан кечиб кетолмас, Юртни сотган муродига етолмас”, “Сув кўриб этик ечган, Бир кун етар муродга” , “Одамзот ҳар вақт ўлим топар икки туйғудан- Бири – нафрат, бири- муҳаббат” сингари халқона донолик акс этган сатрлар достоннинг эстетик қимматини оширади.

Ёки:

Магар кўнгил хазинасига

Осиғлик кулф бўлса сир, албат

Бордир унинг икки калитиб

Бири – мақр, бири- ҳақиқат.

каби ҳикматомуз мисралар, “Чўл шамоли уввос солиб, Бутоқларга урди бош”, “Сариқ тўлқин, сап – сариқ тўлқин -Тўда –тўда сайғоқлар чўчиб”, “...Уфқ хуркак сайғоқ сингари, қочди бир қир нарига яна” , “Тўлқин отар ям-яшил ўтлоқ” сингари менгашлар достон бадииятини оширган. Эътибор қилинса сайғоқлар тўдасини сариқ тўлқинга ўхшатган шоир, уфқнинг қочишиниякка сайғоққа ўхшатади. Бу иккисида ўринли топилгани учун эътироз билдиролмайсиз. Бу эса шоир маҳоратининг маҳсули. Тахирдан биз Тўмарис момонинг жасорати ва Қайхисравнинг (Кир !!нинг)тақдири қандай мудҳиш туганини биламиз. Шоир достонини:

Икки қабр узра шамолда

Ҳилпирарди бир жуфт бўз ялов...

мисрала билан ғалаба ишораси билан якуллайди.

Достон боблар бир хил шеърий шаклда эмас. Муаллиф ўн олти бобли достоннинг ихчам қисмларида шароитдан келиб чиқиб турли шеърий шакллари қўллайди. Чўпон ва йигитлар қўшиғи халқ қўшиқлари тарзида

бўлса, маснавий шаклидаги боблар ҳам бор. Аммо буларнинг барида, яъни бобларда ички оҳанг, руҳий, маънан боғлиқлик мавжуд.

Достон композициясига эътибор қилинса, халқ достонларига хос йўл билан бошланган асар халқ достонларига мос равишда тингловчиларга яхши тилаклар тилаш билан ниҳояланади. Достон сўнггида уч бандлик муаллиф сўзи бу вазифани бажарган.

Тинглаганлар бир умр кам бўлмасин,

Ҳажр аро киприклари нам бўлмасин,

Бевафо ёр-дўстга ҳамдам бўлмасин,

Хайр, энди кўрушгунча, яхшилар!

Бола Ботир

“Бола Ботир” достони шоирнинг халқчил йўлда битган, эл ривоятларини асри мағзига сингдириб яратган достондир. Бу достонни Сўзга қасида дейиш мумкин. Бола Ботир бахши мисолида, унинг сўзга бўлган муносабатида шоир сўзнинг улуғворлигини кўрсатади.

Достон бошламасида:

Тил- лиқ тўла хазина,

Гўё қўр – қийғоч ўчоқ.

Бир бағра олсанг яна

Ортаверар иштиёқ.

.....

Бу дунёни ёритиб

Турган ҳам сўз, дерди у.

Инсон дардин аритиб

Турган ҳам сўз, дерди у.

Достонда сўз таърифи, моҳиятини англаш, кўз сўзга айлангани ҳақида бутун бир саҳифа ёзилган.

Достоннинг 2015 “Тафаккур” нашриёти томонидан қилинган нашрига сўзбоши битган устоз шоир Абдулла Орипов шундай ёзганди: “Бола Ботир образи – мақсад ва эътиқод йўлида сўзни англаш орқали моҳиятга эришиш тимсоли. Сўз жамолида Яратган жамолини кўриш иштиёқида бир умр зору нигорон ўтган Донишманд чол каби. Пари қиёфасида ошиқлик тимсолини кўрибмасту беҳуд бўлган Бола Ботирнинг ўзи каби. Ҳар икки ҳолда ҳам жонфидалиқ мақсад сари етаклайди. Достонда айтилгандек: “Ўзини унитмай Ўзини таниган борми?”. Қадим ва юксак кўзқарашнинг янгича талқинлари эмасми бу фикрлар? Ана шу хусусиятларга кўра “Бола Ботир” ҳам шаклан, ҳам мазмунан оҳорли достон бўлибди, дейишга асосимиз бор”.

Достонда шоир ҳақ ҳикматларини жойида жуда ўринли сингдириб юборади:

Қанча меҳр берсанг кўп

Шунча чирой очар ер.

Бола эмас, аёлни

Қаритар лаллайган эр.

Достоннинг айрим бандлари халқ кўшиқлари йўлида бўлса, айримлари сочма, сарбаст шеър шаклидадир. Аммо умумий оҳанг, достоннинг руҳи бирдек сақланиб қолган. Достонда шоир маконни аниқ берган. Гараша, Чоштепа даштлари. Бу эса шоир туғилиб ўсган юрт тасвирини, табиатини тасвирлаш имконини беради. Маконнинг аниқ тасвирланиши ўқувчида ишонч ҳиссини кучайтирса, иккинчидан қаҳрамонларни реал шахсдек кўз олдига келтиришни осонлаштиради. Бир сўз билан айтганда асарнинг ҳаётийлигини оширади. Биргина тасвирга эътибор берайлик: “Ой тўлишган пайтларда қиру адирлар кечалари ҳам кундуздек чароғон бўлиб кетар, Отбеткай томонлар ярқираб, терскай жойлар ғира-шира қоронғулик ичра ажиб бир сирли, афсонавий, хийла хавотирли тус олар. Чигирткалар чирилдоғи оламини тутар...”. Кўз ўнгингизга бу гўзал тасвир ойдин кечани келтирибгина қолмай, сиз унинг таровати, гиёҳларнинг бўйини туйиб, кўнглингиз хуш бўлади. Достонда бундай тасвирлар анчагина топилади. Достонда кичкина эпизод бор. Тулки ва бола. Тулкининг боладан қочмаслиги, бола билан ўйнашишни яхши кўриши. Ҳатто “Хилватда дуч келса, қитиқлаб ўйнашишни ёқтирар, деган гаплар юради эл ичида”. Шу

эпизоднинг ўзи инсон ва табиат уйғунлигини кўрсатаётгандек. Табиат (тулки) ҳам беғуборликни (бола беғубор) севишига ишора бордек.

Бола ботир парини севиб қолиши афсона , албатта. Муҳими ишора рамздир. Зотан халқ ҳикоячилиги, дostonчилиги умуман кўшиқларигача рамзларга тўлиқдир.

Шоир болалик олами, эртақларга ишонган вақтларни кўмсаб қурбақага айланган малика, йигитга айланган шер ҳақида ўйларкан ўз-ўзидан шундай фикрларга келади: “Одам қиёфасидаги мана бу зот балки ростдан ҳам тулкидир”, “Ишқ учун қурбон бўла оламизми?”, “Ўзини унитмай Ўзини таниган борми?”. Мана халқ ижодининг маънавий юксакликларга етаклови. Инсонни ўз ўзини англашга ундови.

Дoston халқ дostonлари йўлида наср ва назмда ёзилган. Айрим сажли ўринлари ҳам бор. Адабиётшунос олима Лайло Шарипова дoston ҳақидаги “Бола Ботир” дostonида фольклор таъсири ифодаси” мақоласида шундай ёзади: “Саъдулла Ҳаким дostonнинг насрий қисми ёрдамида шеърлий парчаларни, аксинча, шеърлар кўмагида насрий қисмларни боғлайди. Ҳикматли фикрлар –афоризмлар оҳанглар либосига ўранади: Йўл гардига айланган мусофир, Эл дардига айланган – шоир, Гул –рангига айланган мусаввир”.

Ривоятга асосланан дostonдаги Бола Ботирнинг севги туфайли тулкига айланиб қолишини моҳиятини англаш керак. Ошиқ ёр учун ўзлигидан кеча оладими?. Кечолмаса ишқи бекор. Бу ишқ дунёвий эмас, илоҳий бўлиш керак. Ўзидан кечмай Ўзига етиб бўлмайдигани бадий тасвири. Саъдулла Ҳаким бу дostonида фольклоризм унсурларидан фойдаланган ҳолда ҳақиқий ошиқнинг ишқ йўлида ўзидан кеча олишини кўрсатиб беролган. Халқ афсонасидан ўз эстетик мақсадигани амалга ошириш йўлида унимли фойдаланган.

Девона дунё

Саъдулла Ҳакимнинг энг кейинги ёзган дostonи “Девона дунё” “Шарк юлдузи” журналида (2019 йил № 7) эълон қилинди. Муаллиф бу асарини туркум дoston деб номлаган. Ўн икки бобдан иборат дostonнинг биринчи қисми “Кекса овчи Давр мерганнинг хотира дафтарида” бошланади. Шоир бу дostonини тузилишини бошқачароқ қилган. Ҳажман унча катта бўлмаган ҳар бир бобдан сўнг тўрт қатор “Ҳикмат” берилади.

“Фақат бор бисотин топшириб кузга, Баҳорга ошиққан дарахтлар каби” овчининг ундан қизиқ воқеалар ҳикоясини кутганларга қарата эртагона саргузаштларини эмас, ҳаётини тажрибаларидан келиб чиқиб англаганларини айтади:

Англадим, табиат – ҳаётга она,

Уни соғ асрамоқ одамзот бурчи.

Илгари инсон деб яшасам, яна

Меҳримни бахш этдим табиат учун.

Ёки:

Бўриларга қирон келтирдим, аммо

Тулкилар кўпайиб кетишди жуда.

Давр мерган тилидан айтилган бу сўзларда шоир нима демоқчи бўлганлигини шарҳлашга ҳожат бўлмаса керак. Мана шуни ичида мерганнинг ҳаёт тажрибаларидан келиб чиқиб айтган хулосалари ўқувчида асқотади.

Қочиб бораётган оҳунинг изидан қуваётгани ҳам қуваётган бор. “Тақдир кувиб борар унинг ўзин ҳам” дейди шоир. Мана ҳаётнинг азалий ҳикмати. “Қирқ биринчи касб” деб номланган иккинчи қисм дostonнинг энг таъсирли бўлакларидан дейиш мумкин. Афғонистондаги урушдан икки оёғидан айрилиб қайтган марғилонлик Ҳабибулло Зоҳидовнинг касби косиблик. Оёғи йўқ ҳунарманд одамлар учун чиройли оёқ кийимлар тикади.

Фидойилик ҳар ўзбекка

Қирқ биринчи касбдир.

Ялангоёқ юртда доим

Фидойилар косибдир.

Ўзбек миллатининг одамохунлиги, меҳмондўстлиги, бағрикенглиги ҳақида кўп айтилган ва буни дунё билади. Менинг назаримда миллатимиздаги бош хусусият фидойилиқдир ва буни шоир жуда тўғри илғаб, яхши ифодалаб берган. Фидойилиқнинг ўзида бутун миллат тийнати мужассам.

Шоир бир косибнинг фидокорлигидан таъсирли фалсафий хулосалар чиқаради ва бу фикрларга сиз ҳам қўшиласиз:

Оёғи йўқ, эл корига

Ярамаган зотларнинг.

Оёғи йўқ, тукқанига

Қарамаган “ёт”ларнинг.

Шоир ўз қахрамонини “унинг икки оёғи йўқ, Аммо босган изи бор” дер экан ҳаётда ўзидан из қолдиришнинг мазмунини теранлаштиради.

“Тутмишдир” қисмида “Маним ҳам дардимдир, замонам дарди” дея шоир бугунги кундаги ҳаётимиздаги камчиликлар, маънавий жиҳатдан ноқисликларни қорлаб :“Ўғил -отага ёт, онасига- қиз, Шоири кўлида кўрдим жуводиз”, “Дўст-душман бир сафда кадам тутмишдир”, “Мўмин оқилларни мулзам тутмишдир” дер экан, элни ўмарган қанча, ёр кўзига чўп солганлар қанчалигидан юракдан куйинади ва бу иллатларни тўғрилаш йўлларини излайди.

Манфаат дунёни бошқарар буткул мисраси билан бошланувчи “Ниқоб” бобида

Ҳатто Ҳақиқатнинг юзида ниқоб,

Дўстлар ҳам туришар ниқоб остида.

Душманку ким, душман билолмай хуноб,

Дўст, эвоҳ, душман деб дўстнинг қасдида.

«Чопиб бораётган от»да:

Жами нўхталанган ва занжирланган,

Қаноти сингану пати куйганлар –

Эркинликка қуллик завқини сезмай,

Қулликка эркинлик заҳмин туйганлар.

Ўн иккинчи қисм “Илдизлар”нинг “Ҳикмати”да қулоқ тутинг:

Тоғдай қоматни ҳам чўктирар ваҳм,

Қилични ўроқдай эгар хавотир.

Элим деб жон берган кимсалар – шаҳид,

Марднинг ўлмидан туғилар ботир!

Достоннинг “Нортуя”да туядаман деб мактанма Ҳақ таоло уни “Матаб кўйган эшакка!” дейдими, “Ер вазни”да “Энг буюк муҳаббат ерга шайдолиғ”, ё “Мангу ҳижрон навоси”да “Ҳар тонг қон бўлиб бағри, Нимани кутар шафак?”, ё “Оқ ва қора”да “...Улуғвор қабоқ ичра, Қуёш-гавҳар қорачик” дейдими ҳар бобнинг ўзига яраша мазмуни, ўқувчини ўйловга, мушоҳадага чорлови бор.

Достонда кетма –кет воқеавийлик йўқ. Бир қараганда достон боблари бир – бири билан боғланмагандек. Бироқ достоннинг умумий руҳи, архитектоникаси узвийдир. Бу муаллифнинг ҳаётий воқеалардан, кўрган, билган, эшитганларидан чиқарган хулосаларини, фалсафий мушоҳадаларини китобхонга айтиш истаги. Бу билан ўзига раво кўрган фикрларини ўқувчисига раво кўриши. Бир сўз билан достонни фалсафий достон дейиш мумкин. Достонда шоирнинг шеърларидаги, тўртликларидаги айтилган айрим фикрлар янада қуюқлаштирилгани, баъзи тўртликлар хулоса ҳикмат шаклида бериганини сезиш мумкин. Буни шоирнинг ўзига ёққан фалсафий мушоҳадаларини яхши маънода такрор уқтириш истагидан деб билмоқ маъқул. Саъдулла Ҳаким ижодини синчиклаб кузатган одам достон Саъдулла аканинг аввалги шеърлари ҳам достонга қисм бўлиб киритилганини сезади. Бу ҳам шоирнинг шеърят чаманидан сара гулларни териб мухлисига тутмоқчи бўлгандек. Бошқача қилиб айтганда шоир бўёқли ҳикматларини достон шаклига солгандек. Аммо достонда таҳрир талаб мисралар ҳам бор. “Элни қовуштирган Ҳақ сўзи ожиз” бошқачароқ бўлиши керак эди. Ҳақнинг сўзи ҳеч қачон ожиз бўлмайди, фақат унга амал қилмаётганлар ожиз бўлиши мумкин. Аслида шоир ҳам шуни айтмоқчи, бироқ ғализроқ чиқиб қолган.

“Юрт ўғлони”

Достоннинг ёзилиши ҳақида Саъдулла Ҳакимнинг ўзи шундай ёзади: “Мазкур асаримга “Юрт ўғлони” дея ном қўйдим. Тарих ва унинг шонли сиймоларига меҳр-муҳаббат, садоқат, улардан фахр ва ифтихор туйғуси, Ватан тупроғининг ҳар заррасида ўтмиш ёди, бугунги кун руҳи ва келажак кифасини яхлит тасаввур этиш, халқ дарду ташвишлари билан ёниб яшаш, одамларни ҳаётдан рози қилишдек эзгу ишларга умрининг ҳар лаҳзасини

бахш эта билиш каби юксак хислатлар айна Юрт ўғлонига хос фазилатлардир”.

Достонда миллатимиз тарихида у ўтган буюк сиймолар ҳақида қисқача таъриф берилгандек. Бир сўз билан айтсак шоир маънавиятимизнинг таърихий панорамасини яратишга ҳаракат қилгандек.

Ёв зўр келур юрт ёвуғи ёвлашса,
Улуғлари обрў тилаб довлашса,
Мерганлари ўз –ўзини овлашса.

Бўлмас эди бунча ситам, отқинлар,
Тушмас эди халқ бошига ёт кунлар,
Чиқмасайди ўзимиздан сотқинлар.

Яхши кўринай дер юзбўямачи,
Аслини яширар кўзбўямачи.
Баридан баттари сўзбўямачи.

Достон асосан уч мисрали бандлардан иборат. Қисмнинг сўнгги бандигина тўрт мисрали. “Юрт ўғлони” бошқа шеърий асарларда бўлмаган хусусиятларни ўзида мужассам этган. Улардаги сатрлар уч мисрали, Ғарб мумтоз шеъриятидаги терцет – уч мисрали бандлардан иборат бўлиб, ҳар бўлим якунида тўртинчи сатр- “Юрт ўғлони элга шундай сўз деди” сатрининг такрорланиши асарга ўзгача фусҳ,улуғворлик бахш этган”(Ихтиёр Эрматов. ГулДУ ўқитувчиси. Ватан ҳақида айтилган сара кўшиқ.

-Ўзбекистон – биру борим сен ўзинг,

Ихтиёри ихтиёрим сен ўзинг,

Икки дунё номус –орим сен ўзинг.

“Юрт ўғлони” достонида ўнлаб тарихий шахасларнинг номи зикр этилади. Миллат тарихида аҳамияти бўлган аждодларимизга мадҳиядек янграйди достон. Улуғ аждодларимиз улар саркарда бўладими ё улуғ олим, ҳар

бирининг образи қисқача ихчам тарзда бериб кетилган. Шоир “Худо ато этган оҳанграбоси, мудом ўз бахтининг бўлди балоси” дея афсусланиши замирида юртдан чиққан соткинлардан нафрат ҳиссини сезиш мумкин. Ўзингдан чиққан балога, қайга борасан даъвога деганларидек, ўзингдан чиққан балонинг офатлиги ёмон. Достон ҳақида муаллифга китобхонлардан келган мактублар асарга ўқувчининг муносабатини кўрсатувчи энг яхши далиллардир. Ҳуқуқшунослик фанлари доктори Азимжон Эргашев шоирга шундай хат йўллайди: “Ассалому алайкум ҳурматли Саъдулла ака!

“Юрт ўғлони”, дилномани мароқ билан ўқиб чиқдим. Очиғи, анча пайтдан бери инсонни ўйга чорлайдиган, хаёл дарёсига ғарқ этадиган, ичдан шижоат пайдо қиладиган бундай назмий асарни ўқимаган эдим.

“Дилнома”да ҳур фикр бор ва у бошқаларга ибрат бўладиган андиша билан билдирилган. Ўйланманки, асар уни ўқиган фаҳм –фаросатли ҳар бир миллат вакилини маърифатга, шижоатга, олдинга қараб ғайрат билан интилишга чорлайди.

Сизга юксак ҳурмат билан Азимжон Эргашев

13 май 2019йил”

Шу руҳдаги мактубларни шоир бошқа достонлари ҳақида ҳам олган.

Саъдулла ака “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 2020 йили 11 сентябрь сонисида яна бир “Муҳаббат билан Бунёд” достонини эълон қилди. Ёзилган саниси 2020 йил 5-6 сентябрь. Бу достон ҳажман ихчам бўлиб, алоҳида шеърлардан иборат дейиш мумкин. “Кўзгудаги қиз”, “Шажара”, “Йўллар”, “Дониш кўча”, “Халқ рози, Худо рози”, “Ҳаёт сабоқлари”, “Кўзгудаги йигит”, “Учқур тулпор авлоди”, “Хотима”. Асарда севишганлар - Муҳаббат исмли қиз ва Бунёднинг бир-бирига муносабати орқали шоир Юнусобод даҳасидаги қурилишлар ҳақида, умуман юртимиздаги ўзгаришларга муносабатини билдиради. Шоир турли мавзуларда фикр юритсада, асарда ички оҳанг уйғунлигини сақланган. Шу маънода “Муҳаббат билан Бунёд”ни мустақил шеърлардан ташкил топган достон дейиш ўринли. Саъдулла Ҳакимга хос бўлган ҳикматга мойиллик, ташбеҳларга бой мисралар, юртга бўлган меҳр бу асарда ҳам сезилиб туради.

Юмор ҳам кўнгил мулки

Саъдулла Ҳаким ижодида юморга йўғрилган шеърлар ҳам анчагина. Шоир одамлардаги айрим иллатларни ишора билан, кесатик, аччиқ айтиш ва афанди образлари орқали беради.

Ҳақ эгам ҳақлигингни

Билдирганингга шукр.

Ўз устимдан ўзимни

Кулдирганингга шукр.

Саъдулла Ҳаким юмори айна пайтда шукроналик туйғуси билан қоришиб кетади. Одамларнинг феълидаги ёки урф –одатларимиздаги маълум камчиликларни йўқотишни ўйлайди.

Бу қандай эл, бир –бирини

Зимдан чалиб йиқмагай.

Ёқалашиб –судрашиб бир

Хуморидан чикмагай.

(“Япония Гарашаси”)

“Импорт ва экспорт”да ёш шоирларга ҳазил қилиб ёзади:

Ёзганларинг ҳали хом кавшардай мўрт,

Қиёсинг – ғарбона, услубинг – импорт.

Сатрингни жўякдай бўлик, текис торт,

Токи ҳар ташбеҳинг бўлсин экспорт!

Кўр – кўрона модернчиларга тақлид қилиб юрганларга маслаҳатдек янграйди.

“Эркаклар ва аёллар” шеърида “Йўталсак, бас, аёл боёқиш

Изимизда пилдираб юрар” –деган эркакларга:

Аёллар дер: “Бизда эр эрки,

Эр эмас, биз ғолиб юрамиз.

Бир им қоқиб, ҳар қандай эрни

Олдимизга солиб юрамиз!”.

“Оқ ва қора” шеъридан:

Аёл- беҳи гулидай оппок,

Эри дарё тошидай қора.

Гўё куйиб ишқида мундоқ

Кўмир бўлиб кетмиш бечора.

“Чол ва кампир” шеъридан: Чол кампиринг қутлуғ ёшига исирға совға қилади”

Нух ёшига етса ҳам аёл

Тақинчоқ йўқ ярашмайдиган.

“Оғирлашди қулоғим хиёл”,

Деди кампир карашма билан.

Чол жилмаяр: “Сирға туфайли

Оғирлашган бўлса қулоғинг,

Шуни олиб берсам бўлмайми

Ўша гулдай келинчак чоғинг”.

Бу ҳазил шеърдан шоир “Бахтли турмуш учун қулоқ-қар, кўз кўр бўлиши керак экан деган хулосага келади”.

“Кўкпарили ош”да “Мақтаб-мақтаб амалингга берадилар сўз, Алқаб –алқаб амалингга ёпадилар тўн”.

“Қалпоқ ва дўппи” каби шеърлари кишида енгил кулгу уйғотиб, дилини равшанлаштиради.

“Саъдулла Ҳаким шеърляти алоҳида олам, шоир ҳеч бир сатрини юкламасиз битмасди –дея ёзади таниқли шоир Абдурасул Жумақул. Шу боис унинг шеърларини шунчаки ўқиб бўлмайди, балки мушоҳада қилиб, талқинга ечим топиб ўқиган одам маънавий завқ олади” (“Шарқираб сой каби оққанам ростдир”. “Хуррият” газетаси.2020 14 октябрь). Ҳа, Саъдулла Ҳаким шеърлари ҳамиша шеърхонлар қалбига завқ бағишлашига шубҳа йўқ.

Шоир насри ва таржималари

Саъдулла Ҳақим насри ҳажман унча катта эмас. “Ялангбошнинг хотири”, “Ҳашарчилар”, “Орият”, “Малик домнинг ўчоқбоши”, “Бир сиқим тупроқ”, ва “Юрак зарблари”. Ёзувчи Саъдулла Ҳақим кичик ҳикояларида асосан ўзбекона урф-одатлар нақадар инсонийлигини ҳақида ҳаётий воқеалар асосида кўрсатади. “Ялангбошнинг хотири”даги дўст хурматини жойига қўйиш, “Ҳашарчилар” ва “Малик домнинг ўчоқбоши”даги ҳамжиҳатлик, “Орият”даги ўзбекона андиша. Муаллифнинг ўзи митти роман дея атаган “Бир сиқим тупроқ” XX асрнинг биринчи чорагида кечган воқеалар Исахонбой тақдир мисолида қисқача ҳикоя қилинади. Икки қадрдон Исоҳон бой билан Мухтор чиноқнинг шўролар ҳукумати тузилгач турли йўллардан кетгани, Мухтор чиноқнинг дўстини сотгани ва Исоҳон бойнинг оиласини олиб Афғонистонга кетиши. Мусофирликда не-не балоларни кўрган Исоҳон бир умр ватанга қайтишни орзу қилиб, ватанига қайтиб вафот қилишни истайди. Мадаминбек қўшинлари таркибида рус босқинчиларига қарши курашиб ярадор бўлган, афти киши танимас ҳолатга келган Исахонбойнинг кишлоғига келиб, ўғлининг қабри тепасида айтган сўзлари юракларни ларзага солади: "Нетай шундай кўргуликлар тақдиримда бор экан, энди, кўзларимнинг оқу қораси, зурёдим қабрини кўргандан кўра ўша икки кўзим оқиб тушса бўлмасмиди, дея жигарим эзилади. Эвоҳ, шундай синоатли экан бу дунё, болажоним: юздан бир одамнинг кўзи кўр бўлса, қолган тўқсон тўққизининг қалб кўзи басир!

...Мен келдим, Султонхон, жоним болам, эшитяпсанми, сенинг ёнингга келдим. Шу табаррук тупроқни абадул-абад макон этгани келдим, эшитяпсанми, жоним болам? Шукр худога минг қатла шукр, парвардигорим ярлақганига шукр!". Ватан тупроғида ўлишни Худонинг марҳамати деб билган Исоҳоннинг ҳаёти мана шундай фожиали якун топади.

Асардаги Султонхон ва Орзугул, Мухтор чиноқ, Исахонбойнинг катта хотини Сапия сатанг образлари ҳам эсда қоларли чиққан.

. Ихчамгина “Бир сиқим тупроқ”да аср бошларида халқимиз бошидан кечирган талотумлар озми-кўпми ўз аксини топган.

“Юрак зарблари” Саъдулла Ҳакимнинг ҳаётини тажрибаларидан келиб чиқарган хулосаларини ҳикматга қоғозига ўраб битган дейиш мумкин. “Миллат орияти шахсни улғайтиради. Ориятли шахс миллатни улғайтиради”, “Шеърда инсонга абадий ҳамроҳ бўладиган туйғулар куйланиши керак”, “...Бугунги қахрамон ўзини ўзи енгишни одат қилаётган қахрамон бўлиши керак”, “Тасаввуф ҳақида ўқиганларимдан шундай хулосага келдим: тасаввуф инсонийликни иохийлаштиради, иолхийликни инсонийлаштиради”. “Юрак зарблари”даги мулоҳазалар китобхоннида ўйлашга чорлайди. Саъдулла ака тил бойлиги ҳақида гапириб иккита мисол келтиради: “Тил бойлиги ифода ранг –баранглигида, синоним сўзларнинг кўплигида яққол намоён бўлади. Қаранг, биргина “кулмоқ” сўзининг қанчадан – қанча ифодаси бор экан: 1.Кулди. 2. Мийиғида кулди. 3.Кулимсиради. 4.Табассум қилди. 5. Жилмайди 6. Ханда қилди. 7.Хохолади. 8.Қаҳ-қаҳ урди 9. Илжайди. 10. Ишшайди. 11. ИРшайди. 12. Иржайди. 13. Тиржайди. 14.Ҳиринглади. 15. Оғзи қулоғига етди. 16. Тишининг оқини кўрсатди.

“Марта” сўзининг ифодалари ҳам ҳайратга солади:

1. Марта. 2. Карра. 3. Бор. 4. Гал. 5. Навбат. 6. Дафъа. 7.Қайта. 8. Топқир.
9. Қур. 10. Йўл. 11. Қатла. 12. Қат. 13. Сафар.

Ўзбек тили нақадар бой ва гўзал!” . Ҳа нақадар бой тилимизни нисбатан қани энди ҳар бир ижодкор мана шундай йўл тутса, тилимизнинг беқиёс бойликларини кашф қила борардик. Шоир ҳаётдан қидиргани ва топганларидан муносиб кўрганини китобхонга армуғон қилаётир. Умр мазмунини ҳар ким ўзича тушунади. Ва бир умр ниманидир излаб, кутиб яшагандек бўлади. “Юрак зарблари” мана шулар ҳақида. Бундай фикрлар ижодкорнинг дунёқарашини, шеърларининг моҳиятини теран англашда ўқувчига қўл келади.

Жаҳон адабиёти тарихида ўтган улуғ шоирларнинг деярли кўпчилиги озми – кўпми таржима билан шуғулланган. Ўзбек адабиётида ҳам худди шундай. Мумтоз адабиётимиз тарихида фалончи шоир таржима қилмаганку дейишингиз мумкин. Бу шарқда алифбо бирлиги ва

зиёлиларнинг бир неча тилни, масалан мумтоз адабиётимиз тарихидаги йирик ижодкорларимиз она тилидан бошқа камида араб ва форс тилини билганлар. Маълум маънода таржимага катта эҳтиёж бўлмаган. Дунё миқёсида XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб таржима асарлари кўпайиб, таржимашунослик ривожлана борганини яхши биламиз. Огаҳийнинг йирик таржимон бўганини ҳам эслайлик. Йигирманчи аср ўзбек адабиётининг таъмал тошини қўйганлардан тортиб, бугунги кунда ижод қилаётган адибларимиз фаолияти бунинг яққол мисоли. Чўлпон, Ойбек, Ғафур Ғулум, Ҳамид Олимжонлардан тортиб Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Муҳаммад Али, Рауф Парфилар (бу рўйхатни кенгайтириб анча давом этдириш мумкин) жаҳон адабиёти дурдоналарини таржима қилиб, ўзбек маънавияти хазинасига айлантирганини яхши биламиз.

Саъдулла Ҳаким ҳам устозлар йўлидан бориб жаҳон адабиёти намуналаридан таржималар қилди. Шунини айтиш керакки Саъдулла Ҳакимни мутахасис сифатида таржимашунос дейиш мумкин. Университетни битирувчиси сифатида диплом ишини таржимашунослик мавзусидан олган эди. Устоз олим Нажмиддин Комилов раҳбарлигида А. Пушкин лирикасининг ўзбекча таржималари хусусида ёзганди. Олмонларнинг буюк шоири И.В Гётенинг “Афсона”, рус шоирларидан М. Лермонтовнинг “Ўғит”, “Васият”, “Аҳднома”, “Портретга”, С. Есениннинг “ Шамоллар Н. Рубцовнинг “Кўрганимда итлар уришин...”, “Геворг Эминнинг “Ғира-шира тонг”, ”, Э. Межалайтиснинг “Кулгили кеча”, “Туманли тонг”, “Сўз”, турк шоири Юнус Эмро шеърларининг “Севарам” таржима қилган. Мен бироз турк адабиётидан хабардор бўлгани учун шунини айтмоқсчиманки Юнус Эмронинг бу шеъри ниҳоятда тағ маъноли маърифий шеърдир.

Мен сени севарам жондан ичкари,

Йўл йўқ ўзга бу аркондан ичкари.

Мисралари билан бошланувчи шеърнинг ҳар бир байтини шарҳи учун камида бир илмий мақола ёзиш мумкин. Бир эътибор қилинг:

Шариат, тариқат мастона йўлдир,

Маърифат, ҳақиқат ундан ичкари.

Сулаймон қуш тилин билар дедилар,

Сулаймон бор Сулаймондан ичкари.

Дин кетса-да диёнатим кетмасин,

Бу не мазҳабдур диндан ичкари.

Динни тарк этганнинг куфрдир иши,

Бу не мазҳабдур диндан ичкари.

Бир диний илмдан хабардорлар даврасида Юнус Эмронинг шу келтирганимиз мисолдаги сўнгги мисрасининг шарҳи сўралганда кўнгилдагидек жавоб бўлмаганини эсласам, бу шеърнинг маъзи нақадар тўқлигига, бутун бошли илмий тадқиқотга асос бўлишига ишончим орта боради. Мен Юнус Эмро шеъридан кўпроқ мисралар келтиришим юқорида айтганим, шоир ўз руҳига яқин шеърларни танлаб ўгирган деган фикрга исбот учун. Биргина бу эмас Болтиқ бўйи шоири Э. Межалайтиснинг “Сўз” шеъри ҳам.

Тўғри Саъдулла Ҳаким таржималари унча кўп эмас. Лекин шоир ўз руҳига яқин бўлган шоирлар шеърларидан таржималар қилгани ўгирган асарлари мундарижасидан кўриниб турибди. Таржимашунос олим, профессор Нажмиддин Комилов “Латиф ва дилбар шеърият” мақоласида, Саъдулла Ҳаким таржималари ҳақида умумий тарзда шундай ёзганди: “Саъдулла Ҳакимнинг Гёте, Лермонтов, Есенини, Юнус Эмро каби шоирлар ижодидан қилган таржималари ҳам бадиий кашфиёт даражасида амалга оширилган бўлиб, ўқувчиларда чуқур таассурот қолдиради. Буларнинг бари яхши ният, илҳом ва меҳнат меваларидир”.

Саъдулла Ҳаким ҳали кўплаб таржималар қилиб, китобхонларни хурсанд қилиши мумкин эди, афсуски умр вафо қилмади.

Хулоса

Биз Саъдулла Ҳаким ижоди ҳақида имконимиз қадар сўз юритиб, асарларидан намуналарни таҳлилга тортдик. Албатта таҳлил қилинмаган баъзи шеърлари ҳақида ҳам кўпгина жўяли фикрларни айтиш мумкин эди. Маълум маънода жузъийдан умумий хулоса чиқаришни асос қилиб олдик. Асосан шоир ижоди ҳақида илиқ гаплар айтилди. Бу Саъдулла Ҳаким ижоди курслардан ҳоли дегани эмас. Яхши ифодасини топмаган жумлалар, фикрни ифодалашда эҳтиросга берилиб кетишлар, бўғиқ мисралар йўқ эмас ва бу табиий. Яхши кўрган ўхшатишлар такрорланиши учраб туради. “Ўшадир меҳрим сизга”, “Фахрия” каби маълум муносабатлар билан ёзилаган шеърлар ҳам бор. Шоирнинг маҳорати унинг ижодидаги бадиий бақувват асарлар билан белгиланади. Биз шу мезон нуқтаи назаридан иш тутдик.

Саъдулла Ҳаким шеърлятида бир қарашда дафъатан сезилмайдигандек бир хайқирик бор. Бу хайқирик шоирнинг айтар сўзи борлигидан. Буни Саъдулла Ҳаким ўзи:

Бақирар томоқни йиртиб

ҳамма ҳам,

Сен хайқира билгил

юракни йиртиб! – дея ёзганидек, бу хайқирик шеър бўлиб қуйилган хайқирик. Бу хайқирик қалб пўртаналарининг, вулқонларинг хайқириғи. Моҳиятида эса юрт севгиси, фарзанд меҳри, муҳаббат пўртаналари, оталик, дўстлик, одамийлик ҳислатлари мужассам. Биз мана шулар ҳақида мулоҳаза қилишни лозим топдик.

Бошида айтганимиз шоирнинг “Йўлдаги туйғулар шеъри шундай мисралар билан тугагани:

Вужудим мабода қолса ҳам

Йироқда, қисматнинг комида.

Бағрингга барибир қайтарман

Безавол бир қўшиқ номида.

Атоқли шоиримиз Саъдулла Ҳаким ижоди ҳақида ҳоли қудрат сўз юритиб шоирнинг ихчам адабий портретини ёзишдан мақсад шеърятимизда шоир ижодининг ўрнини кўрсатиш, адабиётшуносларимизни заҳматкаш шоирларимиз ижодига кўпроқ эътибор қилиб илмий мақолалар, рисоалар ёзишга чорловдир. Шоир асарлари янада кенгроқ адабий тадқиқотлар қилишга имкон беради ва келажакда шундай ишлар ёзилади дея умид қиламиз.

Хотира- хотима

Китобга хотира ёзиш жуда оғир кечди. Чунки Саъдулла ака чин дунёга кетганди. Бу китобнинг айрим боблари билан танишиб, хурсанд бўлганлиги юпанч. Мен Саъдулла ака билан 20 йиллар олдин Андижонга ижодий сафарга борганимизда яқиндан танишиб қолгандим. У вақтда устоз “Моҳият “газетасининг муҳаррири эдилар. Шундан сўнг биз сафарларда бирга бўлдик, умумий дўстларимиз Холмўмин Ёдгоров, Бахтиёт Холхўжаев, Усмон Аҳмедов билан биргаликда ва яна адабий давраларда кўришиб турдик. Саъдулла акадаги одамохунлик доимо ўзига тортиб турарди. Шундай суҳбатлардан бирида 2021 йил 25 мартда Саъдулла аканинг етмишга кириши ва буни чиройли ўтказишимиз ҳақида гап кетди. Мен кўпдан кўнглимга тугуб юрганим Саъдулла ака ижоди ҳақида китобча қилиш ниятим борлигини айтдим. Саъдулла ака жуда хурсанд бўлдилар. Август ойида гаплашган бўлсак, кузнинг ўрталарида Гарашага бориб келишни ҳам ният қилдик. Саъдулла аканинг 60 йиллигида устоз Абдулла Орипов бошчилигида Гарашага борганимиз, қалин қорда тоғдан ўтганимиз воқеаларини ҳузур қилиб эслашдик. Саъдулла ака менда йўқ китобларини ва ўзи ҳақида ёзилган мақолаларни фойдаланарсиз дея берди. Сўнг ёзган шеърларини, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида, “Гулистон” журналида чоп этилган туркумларини электрон манзилга жўнатиб хабарлашиб турдик. Такдирни ишини қарангки Саъдулла ака вафотини мен ҳам бетоб ётганимда ўқиб қолдим. Ниҳоятда қайғули хабар бўлди. Начора, ўлим ҳақ. Бир таскин Саъдулла акадан гўзал асарлар, қобил фарзандлар қолди. Яқинлари дилида ўзмас из қолдирган суҳбатлари, нурли хотиралар қолди. Хасталигида бир нимани сезгандай ёзган “Кетаётирман” шеърида шундоқ кўриниб турган кўнги куйлари қолди. Хотимада бу шеърни тўлиқ беришни лозим топдик. Сабаб бу шеърни ўқиган ҳар бир инсон Саъдулла акани таниш танимаслигидан қатъи назар у кишининг кимлигини билиб олади.

Кетаётирман

Яхши қол, эй дилбарим, дилда кадар кетмоқдаман

Абдулла Орипов

О, бу қандай шараф кетаётирман,
Сендан сенга қараб кетаётирман.

Кўнглимни тоблади кундуз ва кеча,
Ой каби ярқираб кетаётирман.

Шарқираб сой каби оққанам ростдир,
Булоқдай шилдираб кетаётирман.

Билмайман, гуноҳим қанча, бир тараф,
Савобим бир тараф кетаётирман.

Сен келсанг... йўлларим тезлашармиди,
Илинжим, йўл қараб кетаётирман.

Тилимда айланар бир сенинг номинг,
Боламдай эркалаб кетаётирман.

Умр шомида тонг отмоқда ажаб,
Вожаб, вожаб, кетаётирман.

Кўзим булоғининг очилди кўзи,
Ой нури жилдираб, кетаётirman.

Сўз деҳқони эдим, бир сўз айтгали,
Сўзбондан сўз сўраб кетаётirman.

Келмоқ суруридан сўзламам энди,
О, бу қандай шараф кетаётirman.

Ҳаёт бўлганларида 70 ёшини биргаликда нишонлашни ният қилган таниқли шоир, самимий дўст, дилбар инсон Саъдулла Ҳаким устознинг охиратлари обод бўлсин дейишдан ўзга чора йўқ.

Афсуски, шоир бу китоб нашрини кўролмади. 2021 йили 70 ёшини нишонлашни ният қилган Саъдулла ака рисолаинг ёзилишидан, айрим бобларни ўқиб мамнун бўлганидан оз бўлсада дилда таскин туямиз.

Саъдулла Ҳаким китоблари

1. Ҳамал тонглари. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент -1981.
2. Сен кутган баҳор. “Ёш гвардия” нашриёти. Тошкент -1986
3. Ёз окшоми. Чўлпон нашриёти. Тошкент -1997
4. Она сўз. Ғафур Ғулом номидаги НМИУ. Тошкент -2000.
5. Саъдулла Ҳаким. Сайланма. Ғафур Ғулом номидаги НМИУ. Тошкент -2001.
5. Кўнгил юзи. “Шарқ” НМАК. Тошкент-2006.
6. Кўхна нақл. Ғафур Ғулом номидаги НМИУ. Тошкент -2011
8. Яна сиз билан. “Нисо полиграф”. Тошкент -2014.
9. Бола Ботир. “Тафаккур” нашриёти. тошкент-2015.
10. Юрт ўғлони. “Машхур пресс”. Тошкент -2019

Саъдулла Ҳаким ижоди ҳақида мақолалар:

(айрим мақолалар қўёзмаси ўқилгани учун нашр манзили очик қолди)

1. Абдулла Орипов. Умри узун нақллар. “Хуррият” газетаси.
2. Абдулла Орипов. Мўъжаз дoston таассуротлари. Саъдулла Ҳаким. Бола Ботир. “Тафаккур” нашриёти, 2015.
3. Жуманиёз Жабборов. Қалбнинг гўзал мавжлари.
4. Махмуд Тоир. “Бола Ботир” дostonи ҳақида.
5. Ўткир Раҳмат. Олча каби гулламоқ пайти.
6. Иброҳим Ғафуров. Заминга туташ антенна. Саъдулла Ҳаким. Сайланма. “Шарқ” НМАКБ. Тошкент -2001.
7. Нажмиддин Комилов. Латиф ва дилбар шеърият. “Саъдулла Ҳаким. Кўхна нақл. Ғ. Ғулом номидаги НМИУ. Тошкент- 2011.
8. Қозоқбой Йўлдош. Кўнгил очқичлари.
9. Сайди Умиров. Сўз ичидан ахтаринг.
10. Уйғун Рўзиев. Ёниқ сўз шуъласи.
11. Абдунаби Бойқўзиев. Самимиятдан туғилган туйғулар ёхуд юзи ёруф китоб.
12. Аҳмад Отабой. Сокин дарё мавжлари. “ЎзАС”
13. Тўлқин Эшбек. Гулларга пайваста ашъорлар.
14. Ойгул Суяндиқова. Сўзга муҳаббат.
15. Фароғат Худойкулова. Руҳи баланд дoston.
16. Дилмурод Холдорov. “Юрагинг умрингдир, ором билмайди...”
17. Лайло Шарипова. “Бола Ботир” дostonида фольклор таъсири ифодаси.
18. Ихтиёр Эрматов. Ватан ҳақида айтилган сара қўшиқ.
19. Абдурасул Жумақулов. “Шарқираб сой каби оққан им ростдир”. “Хуррият” газетаси. 2020. 14 октябрь.
20. Холмурод Салимов. Устоз розилигига эришиш ҳам бахт. “Хуррият” газетаси. 2020. 14 октябрь.

Саъдулла Ҳаким билан суҳбатлар:

1. Меҳмоннома. “Синфдош” журнали билан суҳбат. 2009 йил, 1-сон.

Мундарижа

Кириш.....	3
Эл дардини ёзмаган қалам қалам эмас.....	5
Табиатга ошиқ кўнгил.....	13
Ғазалга ошуфта дил.....	21
Халқ ижодидан улгу олиб.....	25
Шахсга ҳурмат.....	30
Бадиийликни мезон билиб.....	34
Муҳаббат таронаси.....	49
Мисралар зимнидаги ҳикматлар.....	56
Саъдулла Ҳаким дostonлари.....	61
Юмор ҳам кўнгил мулки.....	73
Шоир насри ва таржималари.....	76
Хулоса.....	80
Хотира–хотима-.....	81
Саъдулла Ҳаким китоблари.....	85
Саъдулла Ҳаким ҳақида ёзилган мақолалар, суҳбатлар.....	86

